

ISSN 2181-9521

№ 10-son, 2020



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИДА БЎЛАЖАК



2020 йил 5 октябрь куні Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида 2020-2021 ўқув йили учун магистратура таълим дастури бўйича ўқув курсининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўтган йили Судьялар олий мактабининг магистратура босқичини 60 нафар тингловчи муваффақиятли тамомлаган бўлса, бу йил 75 нафар тингловчи бу босқичга қабул қилинди.

Шухрат НУРИДДИНОВ,

Судьялар олий мактаби магистратура босқичи тингловчиси:

– Алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан мамлакатимиз тарихида илк бор ташкил этилган мазкур таълим даргоҳининг магистратурасига ўқишга кирганимдан жуда хурсанд бўлдим.

Мақсадим ушбу даргоҳни муваффақиятли тамомлаб, бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, профессионал ва етук судья бўлиб етишишдир. Ана шу йўлда Олий мактабда ўқитиладиган барча дарсларда алоҳида кунт билан иштирок этаман.

Жорий йилнинг 16-17 сентябрь кунлари магистратура босқичининг 2020/2021 ўқув йили учун кириш имтиҳонлари бўлиб ўтди. Имтиҳон жараёнлари очик, ошкора ва шаффоф ўтказилди. Дастлаб чет тили ва мутахассислик фани бўйича тест топширдик. Тестларни текширишда фамилия ва исм кўрсатилмасдан фақат шифр билан текширилгани холис ва ҳаққонийликни таъминлайди.

Келажакда Давлатимиз раҳбари томонидан судьялар олдига қўйилган вазифа, яъни судни адолат уйига айлантиришга қўлимдан келганча ҳисса қўшаман.



СУДЬЯЛАРГА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ!

Нозимахон ТОЖИЕВА,

Судьялар олий мактаби магистратура босқичи тингловчиси:

– Мен ушбу Олий мактабга қадам қўяр эканман, бизнинг таълим олишимиз ва келажакда етук судья бўлишимиз учун яратилган шароитларни кўриб, ўз устимда тинимсиз ишлашим, янада кўпроқ ўқишим ва изланишим керак эканлигини англаб етдим. Бунинг учун энг аввало, мухтарам Президентимизга ва Судьялар олий кенгаши раҳбариятига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Шунинг ҳам таъкидлашим кераки, биз учун яратилган бундай шароит ва имконият менга масъулият юклайди. Бунинг ўзимизнинг ўқишимиз билан оқлашимиз шарт, деб биламан. Ва бу йил магистратура босқичига ўқишга кирган барча курсдошларимни шунга даъват этаман.

Судьялар олий мактабига ўқишга қабул қилиш икки босқичда амалга оширилди. Юқорида курсдошим томонидан таъкидланганидек, биринчи босқичда номзодларнинг билим салоҳияти махсус фанлар ва хорижий тилларни ўзлаштириш даражаси тест саволлари орқали баҳоланган бўлса, 2-босқичда номзоднинг мантиқий фикрлаши, ҳозирги кунда олиб борилаётган ислохотлардан қанчалик хабардорлиги ва унинг матн тузишдаги маҳорати иншо воситасида аниқланди. Судья учун ёзма нутқ яхши шаклланганлиги фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.



Очилиш маросимига бағишланган тадбирда сўзга чиққан магистрлар Судьялар олий мактаби магистратурасини тамомлаб, “Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик ҳукмрон бўлиши лозим”, деган шiorга асосланиб фикрлашга ва ишлашга сўз беришди.

Саҳифаларни Шахбоз САИДОВ тайёрлади.

**“ODILLIK MEZONI”
илмий-амалий,
ҳуқуқий журнал**

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,

Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Кенгаш раиси

Убайдулла МИНГБОЕВ

Кенгаш аъзолари

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Илхом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Беҳзод МЎМИНОВ
Шерзод ЮЛДАШЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Шаҳбоз САИДОВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори
билан юридик фанлар бўйича диссертациялар
асосий илмий натижаларини чоп
этиш тавсия этилган илмий нашрлар
рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй

Электрон манзил:

odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил
27 августда 0972-рақам билан
кайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.
Журналда эълон қилинган материал-
лардан фойдаланилганда, манба қайд
этилиши керак.

Босишга 26.10.2020 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ
Буюртма № 12
Адади 2390

Баҳоси келишилган нархда

“SIFAT XIZMAT MEDIA” МЧЖ
босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент
шаҳри, Юнусобод тумани,
Олой кўчаси, 1-уй

МУНДАРИЖА

Масъулият мезонлари

6

**Бугуннинг судьяси
қандай бўлиши
керак?**



Судья минбари

9




**Янги жамиятда
янги мақсадлар сари**

Халқаро тажриба

11

**Замонавий ахборот-коммуникация
технологияларини жорий этиш:
Буюк Британия тажрибасида**



Қиёсий таҳлил

13




**Фуқаролик ишларида
далилларни баҳолаш:
ҳуқуқий тавсиф ва таҳлил**

Тадқиқот

16

**Ходиса содир бўлган жойни кўздан
кечиришда техник воситалардан
фойдаланишни такомиллаштириш
масалалари**



Инсон ва жамият

20



**Давлат мажбурий суғурта
хизматларининг янги турларини
жорий этиш давр талабидир**

Муҳим мавзу

21

**Судга мурожаатдаги
юридик хизматлар**



Менда таклиф бор

22



**Фарзандликка олиш:
ҳуқуқий асос, муаммо
ва ечим**

Менинг фикрим **24**



**Ўзбошимчалик учун
жиной жавобгарликнинг
ҳуқуқий асосларини
такомиллаштириш зарурияти**

Аёл ва жамият **26**



**“Судьянинг ҳалоллиги
жамиятда адолат тантана
қилишига асос бўлади”**

Кун мавзуси **28**



**Низоларни судгача
ҳал этишнинг
янги муқобил
шакли**

Фуқаролик жамияти **30**



**Суд органлари фаолияти
устидан жамоатчилик
назоратининг
ўзига хос хусусиятлари**

Мулоҳаза **32**




**Янги жамиятда
нодавлат нотижораг
ташқилотларининг ҳуқуқий
мақомини такомиллаштириш
масалалари**

Ибрат **35**



Икки дўст ва айик

Эксперт фикри **36**



**Ўзбекистонда медиация
институтининг ҳуқуқий
асослари ва ривожланиш
истикболлари**

Янги босқич **40**



**Аҳоли муурожаатлари
билан ишлашда оммавий
қабулларнинг ўзига хос
хусусиятлари**

Мозийдан садо **43**




**Давлатчилигимиз тарихида
фуқаролар муурожаатлари
билан ишлашнинг ўзига хос
хусусиятлари**

Сравнительный анализ **46**




**Модели
антикоррупционных
учреждений**

Зарубежное право **50**



**Некоторые аспекты
истребования доказательств
в арбитражном процессе за
рубежом**

Статус помощника судьи **53**



**Роль помощника судьи
в судебной системе**

Цифровая среда **56**



**Новый этап развития
Гражданского кодекса
Республики Узбекистан в
условиях цифровой реальности**

Truly deliver justice **60**



**Prioritizing court digitization.
Uzbek courts set priority
measures to ease access to
justice**

International experience **62**



**The offense of obstructing
public officials. Review of
legislation
of foreign countries**



Холмўмин ЁДГОРОВ,
Судьялар олий
кенгаши раиси

“Бугунги кунда халқимиз кутаётган адолатли қарорлар қабул қилишига ҳар томонлама қодир, иродаси мустаҳкам, юксак касб ва маънавий фазилатларга эга бўлган суд ходимлари таркибини шакллантириш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.”

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

БУГУННИНГ СУДЬЯСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Бу саволнинг жавоби ҳақида жуда кўп ўйлайман... Сабаби, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН, ЯНГИ ЖАМИЯТНИНГ БОШ МАҚСАДИга айланган АДОЛАТни қарор топтириш судьянинг профессионал фаолияти орқали амалга оширилиши лозим. Жамиятда адолат устувор бўлиши эса мамлакатимиз тараққиётини белгиловчи муҳим омилдир.

Гап шундаки, адолатни қарор топтириш осон иш эмас. Бунинг учун судья нафақат қонунни ва уни қўллашни яхши биладиган билимли мутахассис, балки, кўплаб инсоний фазилатларга эга, ҳар қандай ҳолатда ҳам виждон амрига қулоқ тутадиган, ўзи чиқарган қарор бўйича тўла жавобгарликни ҳис қиладиган, бир сўз билан айтганда, юксак интеллектуал салоҳиятга эга инсон бўлиши талаб этилади.

Адолат билан маънавият тушунчаси ҳамиша ёнма-ён туради. Улар бир-бирини тақозо этади, бир-бирини тўлдиради. Шунинг учун адолатни қарор топтиришга масъул судьянинг маънавияти муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда Судьялар олий кенгаши томонидан “Судья маънавияти, одоби ва масъуллиги” номли қўлланмани тайёрлаш устида иш бошланди. Ушбу қўлланмада қадим тарихимизда ўтган машхур қозиларнинг ҳаёти ва фаолияти, қозилик ишлари ҳақидаги ажодларимизнинг бой маданий мероси, хусусан, бу борадаги ибратли масал ва ривоятлар, фикҳшунос олимларимизнинг қозилик ишлари тўғрисидаги қарашлари акс эттирилади. Бундан ташқари, рисолада бугунги кунда судьянинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни, судья маънавиятини юксалтиришга таъсир кўрсатадиган омиллар ҳақида диний уламоларимиз, шоиру-ёзувчиларимиз, суд тизимида катта тажрибага эга, обрў-эътиборли суд фахрийларимиз фикр-мулоҳазалари баён этилади.

Судья маънавиятини юксалтириш ҳақида гап кетганда, мамлакатимиз суд тизимининг ривожланиши учун катта ҳисса қўшган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист У. Қ. Мингбоевнинг куйидаги фикрларини келтириб ўтиш лозим: “Маънавияти юксак, иродаси мустаҳкам инсон коррупцияга қўл урмайди. Юксак маънавиятли бўлиш воситаларидан энг мақбули – китобхонлик. Кимки, китобни кўп мутолаа қилса, ҳаёт ҳақиқатларини теран англайди. Китобхон виждонига қулоқ

тутиб, фақат адолат томонда туради. Ҳалоллик, поклик унинг ҳаётий шиорига айланади. Асло адолатсизликка қўл урмайди. Шуни инобатга олиб, бутун суд тизимида ҳар ойнинг бир кунини “КИТОБХОНЛИК КУНИ” деб эълон қилишни лозим деб ҳисоблайман. Ва барча суд идораларига нафақат ҳуқуқий китоблардан иборат, балки тарихий, бадий китоблардан ташкил топган, ҳар томонлама салмоқли ва бой кутубхоналарни ташкил этиш керак.”

Ўзбекистонда биринчи марта суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган, суднинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судьяларни шаффоф, адолатли ва мустақил танлаш ва тайинлаш мақсадида судьялар ҳам-жамиятининг органи сифатида Судьялар олий кенгаши ташкил этилиб, унинг фаолияти йўлга қўйилди.

Айни пайтда, Судьялар олий кенгаши томонидан судьялик лавозимларига номзодларни танлаш, энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш асосида судьялар корпусини шакллантириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу муҳим жараёнда судьялик лавозимига номзодларни кўриб чиқиш, номзодни муносиб ёки номуносиб деб топиш шунчаки амалга оширилмайди. Ҳар бир номзоднинг биргина ҳужжатларини синчиклаб ўрганиш билан

чекланилмайди, балки унинг шахсий фазилатлари, маънавий-ахлоқий қарашлари, инсоний хислатлари ҳам ўрганилади.

Бугунги кунда, судьяликдек юксак масъулиятли лавозимга ҳар томонлама муносиб номзодларни тайинлаш борасидаги суҳбат жараёнида номзоднинг ҳуқуқий билим даражаси бўйича касбга тайёргарлигини аниқлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Бунда номзод ўзининг йўналиши бўйича компьютерга жойланган билетлардан бирини танлайди ва ундаги саволга жавоб беради. Энг муҳими, ушбу жараёни даъвогар бўлган бошқа номзодлар ҳамда жамоатчилик вакиллари кутиш хонасида

онлайн тарзда бевосита кузатиб бориш имконияти яратилди. Бу билан жараённинг очиқлик асосида ўтиши, шаффофлигини таъминлаш чоралари белгиланмоқда. Шу тариқа номзоднинг касбга тайёрлигини баҳолашдаги ҳолисликни таъминлаш билан бирга, бошқаларда пайдо бўлиши мумкин бўлган асоссиз шубҳа ва гуноҳларга ҳам барҳам бериш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Шунингдек, судьялар фаолият кўрсаткичларининг аниқ мезонларини белгилаш борасида иш олиб борилмоқда. Амалдаги судьялар фаолиятини доимий равишда баҳолаб бориш орқали уларнинг рейтингини белгилаш электрон тизимини яратиш устида иш олиб борилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ

СУДЬЯЛАР ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОН РЕЙТИНГ ТИЗИМИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ

ПРОФЕССИОНАЛИЗМ 1

- а) ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар:
- суд ҳужжатларининг юқори инстанцияларда ўзгаришсиз қолдирилиши;
- б) салбий таъсир кўрсатувчи омиллар:
- суд ҳужжатларининг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши;
 - қонун ҳужжатларини нотўғри қўлланганлиги ҳолати бўйича хусусий ажрим чиқарилиши.

МАЛАКА ЛАЁҚ 2

- а) ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар:
- Судьялар олий мактабида малакасини оширганлиги;
 - оммавий ахборот воситалари орқали қонун ҳужжатлари ва суд амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритганлиги;
 - илмий ва педагогик фаолият билан шуғулланиши;
- б) салбий таъсир кўрсатувчи омиллар:
- Судьялар олий мактабида малакасини ошириш бўйича имтиҳондан ўта олмаганлиги.

ИНТИЗОМИ 3

- а) ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар:
- ариза, даъво ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш, иш юритуви қабул қилиш ва суд муҳокамасида тайинлаш, уларни кўриб ҳал этиш, суд ҳужжатларини расмийлаштириш ва ишларни суд архивига топшириш муддатларига риоя этилиши;
 - жисмоний ва юридик шахсларнинг умумий тартибдаги мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларига риоя этилиши;
- б) салбий таъсир кўрсатувчи омиллар:
- ариза, даъво ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш, иш юритуви қабул қилиш ва суд муҳокамасида тайинлаш, ишларни кейинга қолдириш ёки тўхтатиб туриш, уларни кўриб ҳал этиш, суд ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда ишларни суд архивига топшириш муддатларининг бузилиши;
 - жисмоний ва юридик шахсларнинг умумий тартибдаги мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларининг бузилиши.

ИШ САМАРАДОРЛИГИ 4

- а) ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар:
- судьянинг кўриб ҳал этилган ишлари бўйича иш ҳажмининг ортиши;
 - умумий тартибда ўрганилган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари ҳажмининг ортиши;
- б) салбий таъсир кўрсатувчи омиллар:
- судьянинг кўриб ҳал этаётган ишлари ҳажми жиҳатидан анча пасайиб кетиши;
 - жисмоний ва юридик шахсларнинг умумий тартибдаги мурожаатларини ўрганишда сансалорликка йўл қўйиши.

5 ОДОБ-АҲЛОКИ

- а) ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар:
- судьянинг яшаш манзили бўйича ижобий тавсифланиши;
 - судьянинг иш жойи бўйича ижобий тавсифланиши;
 - судьянинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят келиб тушмаганлиги;
- б) салбий таъсир кўрсатувчи омиллар:
- судьянинг яшаш манзили бўйича салбий тавсифланиши;
 - судьянинг иш жойи бўйича салбий тавсифланиши;
 - судьянинг маъмурий жавобгарликка тортилиши;
 - судьянинг хатти-ҳаракатлари устидан интизомий жавобгарликка тортилиши.

6 МАСЪУЛИЯТЛИГИ

- а) ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар:
- судья суд ҳужжатларини ва ижро ҳужжатларини ижрога аниқ ва тўғри қаратиши;
 - судьянинг фуқаролар қабули бўйича ишлаш даражасининг ортиши;
- б) салбий таъсир кўрсатувчи омиллар:
- судья суд ҳужжатлари ва ижро ҳужжатларини ноаниқ расмийлаштириши;
 - судьянинг фуқаролар қабули бўйича ишлаш даражасининг пасайиши;
 - судьянинг Олий суд Пленуми ва Раёсати қарорларида белгиланган кўрсатмаларини, суд раҳбариятининг иш фаолияти билан боғлиқ топшириқларини бажармаслиги ёки ўз вақтида бажармаслиги.


7 САВОДХОНЛИК

- а) ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар:
- судьянинг суд ҳужжатларини тушунарли ва раvon тилда ифода этиши;
 - судьянинг суд ҳужжатларини моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига мувофиқ равишда расмийлаштириши;
- б) салбий таъсир кўрсатувчи омиллар:
- судьянинг суд ҳужжатларини ноаниқ, орфографик ва грамматик хатолар билан тузиши;
 - судьянинг суд ҳужжатларини тузишда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига умуман ҳавола қилмаслиги, уларни нотўғри талқин этиши ёки уларга нотўғри ҳавола этганлиги.

8 АХБОРОТ-ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАЙ ОЛИШИ

- а) ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар:
- судья ўз иш фаолиятида инновацион услублардан фойдаланиши;
- б) салбий таъсир кўрсатувчи омиллар:
- судьянинг замонавий ахборот-технологиялари воситаларидан фойдалана олмаслиги.

Бу жараёнда махсус дастур судья фаолиятининг юқорида санаб ўтилган энг асосий 8 та йўналиши бўйича амалга ошираётган ишларини баҳолаб, рейтинг балларини электрон шаклантириб боради.



Ушбу рейтинг кўрсаткичлари бўйича энг юқори натижаларга эришган ибратли судьяларни рағбатлантириш масалалари ҳамда шунга даъват этиш мақсадида уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида махсус телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар тайёрлаб бориш амалиётини ҳам йўлга қўйиш борасида иш олиб борилмоқда. Шу мақсадда

“Mening yurtim”, “Sevimli” телеканаллари раҳбарияти билан Кенгаш ўртасида меморандум имзоланди.

Лойиҳалардан яна бири, судьяликка номзодларни танлаш бўйича халқаро амалиёт таҳлилий ўрганилиб, номзоднинг руҳий ҳолати бўйича “психологик тест”ни яратиш ва жорий этиш борасида ишланмоқда.

СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМИГА НОМЗОД ВА СУДЬЯНИ ПСИХОЛОГИК КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ

Судьялик лавозимига номзод, судья навбатдаги ўн йиллик, муддатсиз даврга ҳамда раҳбарлик лавозимига ўтишида психологик кўриқдан ўтади.

Психологик кўриқдан ўтказиш тартиби Кенгаш томонидан белгиланади.

ПСИХОЛОГИК СУХБАТ



Судьялик лавозимига номзод ва судья билан психологик суҳбат уч нафар профессионал психологлар иштирокида ўтказилади.

Психологлар дастлаб номзод ёки судьянинг шахсига оид маълумотлар (ҳаёт тарзи, турмуши, оилавий шароити) билан танишиб чиқади.

Суҳбат номзоднинг розилиги билан видеотасвирга олинади.

ПСИХОЛОГИК ТЕСТ



Номзод ёки судья психологик суҳбатдан сўнг махсус компьютер дастурлари ёрдамида уч хил турдаги психологик тестлар топширади.

Психологик тестлар натижаси махсус дастурда автоматлаштирилган тарзда чиқарилади.

Психологик тест турлари психологлар томонидан тавсия этилган тестлар ичидан танланади.



Психологик кўриқдан ўтказиш натижаси бўйича тавсиявий ҳарактердаги ёзма хулоса тузилади.



Хулосада шахснинг психологик ҳолати ёритилди ҳамда психологик томондан яхшилиги ёки муолажа олиши лозимлиги тавсия этилади.

ПСИХОЛОГИК КЎРИК НАТИЖАСИДА ҚЎЙИДАГИЛАР АНИҚЛАНАДИ:

Хулқидаги оғишлик:

- ✓ Қатъиятлилиқ
- ✓ Босиқлик
- ✓ Жиззакилик
- ✓ Стрессга мойиллик
- ✓ Стрессга чидамлилиқ
- ✓ Алкоголизмга мойиллик
- ✓ Коррупцияга мойиллик
- ✓ Дунёқараш
(жамиятдаги воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги билими ва унга муносабати)
- ✓ Руҳий касаллиги ва бошқа эмоционал ҳолатлари

Ушбу амалиёт Ўзбекистон Республикаси ИИБ ва ДХХ органлари тизимида қўлланилмоқда.

Шунингдек, Австрия, Италия, Бельгия, Сингапур, Венгрия, Қозоғистонда судьяларни танлашда ушбу амалиёт кенг қўлланилиб келинмоқда.

Бундан ташқари, жамоатчилик фикрини ўрганиш, номзодларни танлаш ва тайинлаш жараёнидаги уларнинг иштироки масалалари ҳам таҳлилий ўрганилмоқда.

Булардан кўзланган мақсад, судьялик лавозимига номзодларнинг энг муносибларини, билим ва тафаккури кенг, маънавияти юксак бўлган кадрлар эвазига судьялар корпусини шакллантиришдир.

Зеро, бугунги кун судьяси адолатнинг толмас ҳимоячилари бўлиши шарт. Шубҳасиз, бунда унинг интеллектуал салоҳияти ва инсоний фазилатлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Судьялар олий кенгаши ҳар бир номзодга ана шу мезонлар асосида ёндашувни энг асосий вазифа деб билади.

ЯНГИ ЖАМИЯТДА ЯНГИ МАҚСАДЛАР САРИ

Суд органларини рақамлаштириш инсон манфаатлари учун хизмат қилади



**Фазлиддин
ЎДГОРОВ,**
Тошкент
туманлараро
иқтисодий суди
судьяси

Бугунги тезкор замон, ахборот-коммуникация технологияларининг юксак тараққиёти суд органлари фаолиятини давр талабларига мослаштиришни тақозо этмоқда. Мана шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этади.

Суд органлари фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш орқали уни замон талаблари даражасида ривожлантиришга қаратилган сўнгги йиллардаги ислохотлар тадрийжийлик асосида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 30 августда имзоланган “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган 2017-2020 йилларда “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш” дастурининг ижроси натижасида судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференция алоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимлари жорий этилганлиги амалиётда ўзининг яхши самарасини бериб келаётган эди. “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда эса суд органлари фаолиятини рақамлаштириш бўйича мутлақо янги вазибалар кўйилди. Мазкур қарорнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унда белгиланган вазибалар ижросининг таъминланиши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатлари борасида судга мурожаат қилиш имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда эркинлаштириш учун шароит яратади. Шу билан бирга, мамлакатимиз тараққиётининг навбатдаги босқичи талабларидан бири бўлган – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини, хусусан, судлар фаолиятида шаффофликни таъминлаш билан боғлиқ ишларни такомиллаштиришда амалий аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу қарорга ҳаётини зарурият бор эди. Сабаби, амалиётдан келиб чиққан ҳолда айтадиган бўлсак, ҳозирги жуда шиддатли ахборот алмашинуви даврида

судларда ишларни кўришда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинмаганлиги сабабли асосан қоғоз шаклида амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, бугунги ахборот ва коммуникация технологияларининг юксак тараққиёти шароитида судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар турини кенгайтириш бўйича ишларни жадаллаштириш ҳам талаб этилади.

Шундан келиб чиқиб, қарорда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазибалари этиб куйидагилар белгиланди:

Биринчидан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш;

Иккинчидан, судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа





ташкilotлар билан электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтириш;

учинчидан, махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

тўртинчидан, суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш;

бешинчидан, суднинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш, хизмат ахборотлари ва маълумотларини комплекс ҳимоя қилиш бўйича чораларни кучайтириш.

Очиқ, эркин фуқаролик жамияти шароитида юқорида санаб ўтилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жамият аъзолари учун жуда кўплаб қулайликларни яратиб беради. Қолаверса, бугунги ижтимоий медиа маконда юзага келаётган суд ҳокимияти ва судьялар фаолияти билан боғлиқ турли салбий фикр-мулоҳазаларнинг олдини олишга хизмат қилади. Айтиш керакки, мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган том маънодаги тарихий суд-ҳуқуқ ислохотларининг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини очиб бериш, бугунги суд тизими тўғрисидаги кенг қамровли таҳлилий ахборотларни аҳолига ўз вақтида тақдим этиш, суд-ҳуқуқ соҳаси бўйича жамият эҳтиёжларини ишончли, холис, тезкор маълумотлар билан қондириш айнан мана шу механизмларнинг ривожланган даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. Қарор талабларига кўра, суд органлари фаолиятини рақамлаштириш биринчи навбатда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини судда ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний талабларини ўз вақтида кўриб чиқиш, ҳар қандай иш бўйича асосли ва адолатли суд ҳужжатларини чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Бунга

қандай ҳаётий асослар бор деган табиий савол туғилади. Биринчидан, 2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш тизими жорий этилади. Демак, судья иш кўраётган жараёнда процессуал хато ва камчиликларга йўл қўйса, у ҳам ойдинлашади. Шунинг учун, ҳар бир ишга жуда катта тайёргарлик билан кирилади ва имкон қадар хатога йўл қўймаслик чораси кўрилади. Иккинчидан, суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан мобил қурилмалар ва электрон қурилмалар орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтирилиши, шунингдек иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олишга шароит яратилиши, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида «SMS» хабар орқали бепул асосда хабардор қилиниши, 2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этилиши, муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни фуқароларни овора қилмаган ҳолда судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташкilotларидан электрон шаклда олинишининг белгиланганлиги фуқароларнинг ҳамда суд мажлиси иштирокчиларининг ортиқча оворагарчилиги, сарф-ҳаражатлари тежамкорлигига ҳам олиб келади.

Ушбу қарорнинг муҳим амалий аҳамиятга эга жиҳатларидан яна бири, 24 та банддан иборат 2020-2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш Дастури ҳамда 28 та банддан иборат Судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкilotларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланганидир. Бугунги кунда кўпчилик мутахассислар томонидан ҳақли равишда эътироф этилаётганидек, ушбу Дастур ва “Йўл харитаси”да кўрсатиб ўтилган вазифаларнинг ижроси суд органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қарор ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН давлат сиёсатининг энг асосий вазифаси инсон манфаатларини амалда таъминлашга хизмат қилади. Зеро, барча соҳалардаги кенг қамровли ислохотларнинг туб замирида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш орқали қонун устуворлигига эришиш гоёси ётади.

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ: БУЮК БРИТАНИЯ ТАЖРИБАСИДА



Иброҳим САИДОВ,
Бухоро туманлараро иқтисодий суди судья ёрдамчиси, “Brunel University London” магистранти



Сўнги йилларда судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, одил судловга эришиш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини бермоқда.

Ушбу ислохотларнинг бош мақсади судларга мурожаат қилувчилар учун кенг имкониятлар яратиш, фуқароларнинг одил судловга бўлган мустаҳкам ишончини оширишдан иборатдир. Таъкидлаш лозимки, суд тизимида амалга оширилиши керак бўлган муҳим ислохотлардан бири бу низоларни онлайн ҳал қилиш тизимининг йўлга қўйилишидир.

Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан ҳам таъкидлаб ўтилган. Ушбу қарорда суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш суд ҳокимияти органлари фаолияти рақамлаштиришнинг муҳим босқичларидан бири этиб белгиланган.

Ҳақиқатдан ҳам ҳозирги мураккаб пандемия даврида энг асосий муаммолардан бири бу низоларни онлайн ҳал қилишнинг йўлга қўйилмаганлиги бўлиб, ушбу мақолада таклиф этилаётган онлайн суд тизими платформаси мазкур муаммони ҳал қилишда имкониятларга кенг йўл очади.

Низоларни онлайн ҳал этиш кўплаб Фарб давлатларида аллақачон муваффақиятли ташкил этилиб, уларда турли хилдаги низолар тез ва осон ҳал этилмоқда.

Буюк Британия судларида даъво миқдори 10 000 £ (фунт стерлинг)дан юқори бўлмаган, кам аҳамиятли иқтисодий ва фуқаролик ишлари онлайн-суд платформасида ҳал этилиши йўлга қўйилган. Мазкур платформа 3 босқичли ишлаш тизимига эга бўлиб, биринчи босқич “онлайн баҳолаш тизими” деб номланиб, ушбу босқич судга мурожаат қилувчи даъвогарга даъво аризасининг асоси ва предметини аниқлаштириш ва даъво аризани шакллантиришда ёрдам беради.

Иккинчиси “онлайн кўмаклашув” босқич бўлиб, унда суднинг алоҳида ходими — “онлайн маслаҳатчиси” судьянинг иштирокисиз тарафлар билан мулоқот қилиб, низо ҳал этишнинг муқобил усуллари бор-йўқлигини текширади. Шуниси эътиборлики, мазкур “онлайн маслаҳатчи” бир вақтнинг ўзида медиаторлик вазифасини ҳам бажаради ва низо судьянинг иштирокисиз ҳал этади. Низо мазкур босқичда ҳал этилса, унга тўланадиган давлат божи миқдори низо судья томонидан ҳал қилиш учун тўланадиган давлат божи миқдоридан сезиларли даражада фарқ қилади, албатта.

Учинчи “онлайн судья” босқичида тарафлар низо ни ўзаро келишув йўли билан





ҳал қила олишмаса, низони ҳал қилишга судья жалб этилади. Мазкур судьянинг қабул қилган қарори, одатий турдаги қарорлар билан бир хил кучга эга бўлса-да, ишни кўриш учун тўланадиган давлат божи миқдори кам бўлади. Ушбу тизимнинг ўзига хослиги шундан иборатки, суд бир вақтнинг ўзидан низони муқобил йўллар билан ҳал қилувчи медиатор вазифасини ҳам бажаради. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги суд тизими низоларни ҳал қилишда қимматлиги, секинлиги ва мураккаблиги билан судга мурожаат қилувчилар учун қийинчиликлар туғдиради. Мисол учун, иқтисодий судларда низони мазмунан кўриб чиқиш учун ўртача ҳисобда 1 ой муҳлат талаб этилади. Шунингдек, ушбу судларга келиб тушадиган даъволарнинг аксарият қисмини олди-сотди ва маҳсулот етказиб бериш шартномалари билан боғлиқ бўлган низолар ташкил этади. Одатда, ушбу низоларни ҳал этишда талаб этилган ҳужжатлар (шартнома, ҳисоб-фактура, солиштирма даъватномалар) тақдим этилса, низо қисқа муддатларда ҳал этилиши мумкин.

Агар шунга ўхшаш мураккаб бўлмаган низоларни онлайн суд тизими орқали ҳал этиш йўлга қўйилса, ишни кўриш муддатлари қисқариб, судга мурожаат қилувчилар учун янада қулайлик яратилган бўлар эди. Натижада фуқароларнинг судга мурожаати

кўпайиб, низолар тез ва осон ҳал этилади. Ўз-ўзидан жамиятнинг суд ҳокимиятига ишончи ва эътибори ҳам ортади. Шунингдек, тарафларнинг суд биносига вақт сарфлаб келиб-кетиши ва навбатда соатлаб кутиб туриш муаммоларига ҳам чек қўйилади. Тарафлар белгиланган вақтда ўзларига қулай бўлган жойдан суд муҳокамасига онлайн тарзда иштирок этишлари мумкин бўлади. Айтиш жоизки, ҳозирги рақамли иқтисодий ва технологиялар даврида макон тушунчаси асосий роль ўйнамайди. Балки, бажариладиган хизматларнинг сифати ва муддати муҳимроқдир. Шу сабабли суд тизимида онлайн хизматларни кенг жорий қилиш ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан биридир.

Бугунги кунда, низоларни мустақил тарзда ҳал қилувчи юридик фирмалар ҳам ташкил этилган бўлиб, улар томонидан яратилган сайтларда низолар жуда тез ва қулай усулларда ҳал этилмоқда. Қуйида уларнинг айримлари бўйича маълумотларни келтираемиз:

e.Bay- www.ebay.com

Ушбу сайт Европа давлатларида онлайн савдо-сотил билан шуғулланиб, ҳар йили 60 млн. дан ортиқ савдо-сотил билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилади. Унда низо даставвал ўзаро келишув йўли билан ҳал этилиши учун тарафларга барча тушунмовчиликларни ҳал этишда ёрдам кўрсатилиб, агар низо мазкур босқичда ҳал этилмаса, унда компаниянинг махсус ходими 10 иш кун ичида низони тўлиқ онлайн тарзда ҳал қилиб беради.

Modria- www.modria.com

Ушбу сайт АҚШда турли хилдаги фуқаролик ва иқтисодий муносабатларга оид низоларни ҳал этишда оммалашиб бормоқда. Чунки, мазкур сайт фойдаланувчиларга қулай имкониятлар яратиб, низони ўзлари истоган жойдан тез ва арзон тарзда ҳал қилишга ёрдам бермоқда. Натижада кам аҳамиятли низоларни ҳал этишда судларга бўлган эҳтиёж камайиб, судлар низони ҳал қилувчи охириги босқич сифатида қўлланилмоқда.

Хулоса ўрнида шунга айтиш жоизки, судлар ҳам ҳозирги замон талабларига, айниқса, мураккаб пандемия шароитларига мос равишда ўзгариб, фуқаролар учун мурожаат қилишда қулай ва оммабоп бўлган усуллари тақлиф қилиши ва интернет соҳасидаги кенг имкониятлардан фойдаланиши лозим.



ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИДА ДАЛИЛЛАРНИ БАҲОЛАШ: ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФ ВА ТАҲЛИЛ



**Жамолiddин
АХМЕДОВ,**

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Ҳарбий-
техник институти
катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада фуқаролик суд ишларини юритишда далилларни баҳолаш институтининг аҳамияти, принциплари, унга қўйилган талаблар, шунингдек, олимлар томонидан берилган таърифлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқ ва эркинликлар, суд, далил, ёзма ва ашёвий далил, эксперт хулосалари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, шахсларнинг тушунтиришлари, далилларни баҳолаш, далилларнинг принциплари, далилларнинг элементлари, далилларнинг етарлилиги, тўлиқлиги, ишончлилиги.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрено важность института доказательств в гражданском судопроизводстве, понятие доказательств и их принципы, требования к ним, а также определения доказательств, данные учеными.

Ключевые слова: права и свободы, суд, доказательства, письменные и вещественные доказательства, заключения экспертов, показания свидетелей, объяснения лиц, оценка доказательств, принципы доказывания, элементы доказательств, достаточность доказательств, относимость, допустимость, достоверность.

ANNOTATION

This article describes the role of the institute of evidence in civil proceedings, the concept of evidence and their principles, the requirements for them, as well as the definitions of evidence given by scholars.

Keywords: rights and freedom, court, evidence, written and material evidence, expert opinions, testimony of witnesses, explanations of persons, assessment of evidence, principles of proof, elements of evidence, relevance, admissibility, reliability, sufficiency of evidence.

Фуқаролик ишларининг судда кўрилишида далилларни баҳолаш фуқаролик процессуал ҳуқуқидаги муҳим ва зарурий институтлардан ҳисобланади. Юридик адабиётларда аксарият муаллифлар исботлаш жараёнида далилларни баҳолашни процессуал ҳаракатлар ичида энг муҳими деб ҳисоблайдилар. Чунки, низо (ёки низосиз факт) қайси фуқаролик суд ишларини юритиш турларига хос бўлмасин, уларни мазмунан ҳал этишда ва иш бўйича қонуний, асосли, адолатли суд қарори чиқаришда далилларни баҳолаш институти муҳим ўрин тутди. Бунда далилни қабул қилиш ёки рад этиш масаласи вужудга келади. Далилларни баҳолаш бўйича олимлар (миллий ва хорижий)нинг фикрига назар ташлайдиган бўлсак, турлича ёндашувларни кўрамиз. Масалан, С.В.Курилевнинг фикрига кўра, далилларни баҳолаш чуқур мантиқий фикрлашни амалда кўрсатиб беради ва натижада исботлашнинг процессуал жараёнидан алоҳида эканлигини намоён этади. Айни ҳолатда, далилларни баҳолаш ҳуқуқий тартибга солиш объекти бўла олмайди, чунки фикрлаш жараёни ҳуқуқ доирасидан четлашиб, тафаккур қонунлари доирасига тушиб қолади¹. А.И.Трусовнинг фикрича, далилларни баҳолаш таълимотида ҳуқуқий масалалар дунёқараш, идрок назарияси, мантиқ, психология ва бошқа фанларнинг энг мураккаб жиҳатлари билан узвий боғланган². В.Т. Матюшин, Ф.Н. Фаткуллин ва бошқаларнинг фикрича эса, далилларни баҳолашни нафақат мантиқий жараён, балки процессуал ҳуқуқ меъёрлари билан маълум даражада тартибга солинган исботлаш жараёнининг ажралмас қисми сифатида ҳам кўриб чиқишган.

Фуқаролик процессида далилларни баҳолаш соҳасида Б.Т.Матюшин томонидан самарали тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, олим “далилларни баҳолаш, аввало, муаммони аниқлаш, уни ҳал қилиш жараёни ва якуни ҳамда қарор натижаси каби уч босқични ўз ичига олган тафаккур субъектлари психологик фаолиятининг мантиқий шакли ҳисобланади”³,— деб таъкидлаган.

Шу тариқа далилларни баҳолашнинг процессуал шаклини очиб беради ва унинг қуйидаги уч элементини: 1) далилларни баҳолашда фикрлаш фаолиятига қўйиладиган процессуал талаблар мажмуи;


2) далилларни баҳолаш бўйича судьялар тафаккури жараёнида ушбу талабларни амалга ошириш жараёни; 3) суд қарорида акс этган процессуал натижа (тавсиф) ни кўрсатиб беради. Умуман олганда, Б.Т. Матюшин далилларни баҳолашни аниқ жиноий ва фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилишда далилларнинг сифат ва хусусиятларини аниқлаш учун фикрлаш субъектлари психологик фаолиятининг мантиқий ва процессуал шакллари сифатида белгилаб берган⁴. Бунда фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этишда далилларни баҳолаш, исботлаш жараёнининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, ўзи мустақил жараён бўла олмайди ҳамда мантиқий ва психологик фикрлаш орқали ҳуқуқ доирасида амалга оширилиши лозим. Юқоридаги фикрларни таҳлил қилган ҳолда, далилларни баҳолашга қуйидагича таъриф беришни лозим топдик: “Далилларни баҳолаш – процессуал талаблар мажмуига амал қилган ҳолда фикрлаш фаолияти орқали амалга ошириладиган судьялар тафаккури жараёнининг натижасидир”.

Далилларни баҳолаш тушунчасининг мазмун-моҳияти бевосита далилларни баҳолаш турларини қамраб оладики, уларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш далилларни баҳолаш тушунчасини кенгроқ тавсифлашга асос бўлади. Юридик адабиётларда далилларни баҳолашнинг турларга бўлиниши назарда тутилган бўлиб, далилларни турларга бўлиниши баҳолаш мазмунига кўра вужудга келади ҳамда далилларни баҳолашнинг тавсиявий ва мажбурий турлари мавжудлиги таъкидланади⁵. Тавсиявий характердаги далилларни баҳолаш ваколатига ишда иштирок этувчи шахслар, вакиллар эга бўладилар ва бундай процессуал ҳаракат алоҳида судья томонидан далиллар баҳолангунга қадар амалга оширилади.

М.А. Фокинанинг фикрига кўра, далилларни баҳолаш мантиқий ва ҳуқуқий жиҳатларга эга бўлиб, далилларни баҳолашнинг мажбурий тури фақат суд томонидан амалга оширилади ва мажбурий характерга эга бўлади⁶. Э.А.Нефёдов далилларни баҳолашнинг тўртта тури, яъни дастлабки, оралик, жорий, назорат турлари мавжуд, деб ҳисоблайди⁷. Унинг фикрига кўра,

далилларни дастлабки баҳолаш фуқаролик процессининг дастлабки босқичида амалга оширилади. Масалан, ишни кўришга тайёрлаш босқичида суд далилларни дастлаб баҳолайди ва ўз ваколатидан келиб чиқиб, далиллар етарли бўлмаса, тарафлардан қўшимча далиллар тақдим этишни талаб қилиши мумкин. Далилларни оралик ёки жорий баҳолашда суд далиллар бўйича тарафларнинг илтимосини қондириши ёки рад этиши мумкин. Бунда суд далилларнинг тўлиқлигини, тааллуқлилигини, мақбуллилигини ва етарлилигини баҳолайди ҳамда ушбу баҳолаш суднинг қарорида кўрсатиладиган назорат тартибидаги баҳолашда ўз ифодасини топади. Далилларни якуний ёки назорат тартибида баҳолаш – суд томонидан бевосита иш кўриб чиқилганидан кейин маслаҳатга кириб кетиш олдида амалга оширилади ва бу баҳолашнинг якуний босқичи бўлиб ҳисобланади. Якуний (назорат) баҳолаш суд жараёнининг муайян иш бўйича қарор чиқариш учун муҳим босқичи ҳисобланар экан, қонунчилик якуний (назорат) баҳолаш учун бир қатор талабларни қўяди⁸.

Собиқ Совет иттифоқи даврида фуқаролик процессуал қонунчилигига кўра, далилларни баҳолаш қуйидаги принципларга мувофиқ амалга оширилар эди, яъни суд ўз ички ишончига кўра далилларни баҳолаши шарт бўлган, далиллар ҳар томонлама тўлиқ ва ҳолисона баҳоланган, далилларни баҳолашда суд қонун ва социалистик онгга асосланиши шарт бўлган, ҳеч қандай далил суд учун олдиндан белгиланган кучга эга бўлмаган⁹. Юқоридаги принципларнинг ҳар бирининг ўзига хос мазмун-моҳияти бўлган. Мисол қилиб олсак, судьялар томонидан ички ишончига таянган ҳолда далилларни баҳолаш принципининг мазмуни шундан иборат бўлганки, тарафлар томонидан тақдим этиладиган далилларнинг ишончлилиги, ундаги маълумотларни ҳақиқат ёки ёлғонлиги ва далилларни якуний одилона ҳулоса учун етарлилиги фақат судьялар томонидан белгиланган. Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 80-моддасига мувофиқ, суд далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда, ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолис кўриб чиқишга асосланган ўз ички ишончи бўйича баҳо беради. Ҳар бир далил алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик нуқтаи назаридан, далилларнинг мажмуи эса етарлилик нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Демак, суд ҳар доим қонунга асосланиб, ўз ички ишончига таянган ҳолда далилларга баҳо беради. Далилларга баҳо бериш жараёнида у ҳар тарафламалик, тўлиқ, ҳолис кўриб чиқиш, мақбуллик, дахлдорлик, етарлилик, ишончлилик каби принципларга риоя қилади. Фуқаролик процессуал қонун нормалари билан белгиланган



исботлаш қоидаларига мувофиқ, қонун бўйича муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши шарт бўлган ишнинг ҳолатлари бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқланиши мумкин эмас (ФПК 74-модда).

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 80-моддасига кўра, далилларга баҳо берилишида қуйидаги талаблар қўйилган, яъни ҳар бир далил алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик нуқтаи назаридан, далилларнинг мажмуи эса етарлилик нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим¹⁰. Далилларни баҳоланишнинг энг муҳим элементларидан бири далилларнинг ишончилигидир. Далилларнинг ишончилиги ҳақиқатдан устун бўла олмайди, ишончлилик факт ёки ҳодисанинг ҳақиқатга қанчалик мос келиш-келмаслигини аниқлатади. Кам ҳолларда судьялар ҳақиқат ёки ёлгон каби катгорик хулосалар билан иш юритадилар, улар кўпинча ноаниқ, яъни тахмин ва умумий фактларга асосландилар. Далилларнинг ишончлилик мезони уни бузиш (тўлиқ ёки қисман), қалбакилаштириш, сохталаштириш ва бошқаларни истисно қилиш учун ҳар бир далилни текшириш, тадқиқ этиш, баҳоланиши белгилайди. Далилларнинг ишончилиги, улар тўғрисида келтирилган маълумотларнинг ишончилиги билан ҳам тасдиқланиши мумкин. Аммо, ҳақиқатни аслида содир бўлган нарса, шу нуқтаи назардан, ҳақиқат мавжуд эмаслиги ёки очилмаганлиги ҳақидаги фикрлардан фарқли равишда уни асоссиз деб бўлмайди. К.Б.Рыжовнинг фикрига кўра, бу тушунчаларни бир-бирдан ажратиш бўлмайди. Суд томонидан далилларни баҳолаш жараёнида далилнинг ишончилиги, муаллифнинг фикрига кўра уларнинг процессуал моҳиятига тенгдир, чунки далиллар процессуал шаклда ва процессуал муддатлар доирасида ўрганилаётганда, суд ишончи ҳолатлар ва далилларни қабул қилишни мақсад қилади. Иш жараёнида тақдим этилган маълумотлар ва ҳолатлар далилларнинг тўлиқлиги билан тасдиқланади (ёки рад этилади). Масалан, суд амалиётида кўрилатган отоналик ҳуқуқидан маҳрум қилишда Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 79-моддасида кўрсатилган асослардан қайси бирини қўллаш, асослантириш ва иш бўйича якуний хулосага келиш анча мушкул. Ёки яна бир мисол, болани қайси ота-она тарбиясида қолдириш ҳақидаги масалани ҳал қилишда судья қайси ҳолат, қайси далил, қайси тараф берган тушунтириш ёки қайси васийлик ва ҳомийлик органи берган хулосага таянади, бу ҳолатни асослантиришда судьянинг далилларни баҳолаши мураккаб ва-зифа саналади.

Хулоса қилиш шуни айтишимиз мумкинки, биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал қонунчилиги назария-



сини ривожлантириш мақсадида “Далилларни баҳолаш” тушунчасига қуйидагича илмий таъриф бериш мақсадга мувофиқ: “Далилларни баҳолаш – процессуал талаблар мажмуига амал қилган ҳолда фикрлаш фаолияти орқали амалга оширилаётган судьялар тафаккури жараёнининг натижасидир”. Иккинчидан, далилларни баҳолаш турлари ҳақидаги ғояларни бойитиш ҳамда фуқаролик процессида далилларни баҳолашнинг муҳим аҳамиятга эгаллигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 80-моддасида далилларни баҳолаш турларини тавсифлаган ҳолда аниқ кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бу ўз навбатида, далилларни баҳолаш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилади. Учинчидан, фуқаролик процессуал қонунчилик амалиётини кенгайтириш, шунингдек, суд амалиётида мерос, уй-жой, ерга оид, бундан ташқари оила, меҳнат, етказилган зарарни ундириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича мавжуд айрим муаммоларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида гувоҳлантириш, таниб олиш учун кўрсатиш, суд эксперименти каби ҳаракатлар ўтказиш мумкинлиги ҳақидаги норма киритилиши таклиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Курьлев С.В. Основы теории доказывания ... С. 37; Он же. Установление истины в советском правосудии: диссертация, докт. юрид. наук. С. 16.
2. Трусов А.И. Основы теории судебных доказательств. М., 1960. С. 5.
3. Матюшин Б. Т. Общие вопросы оценки доказательств в судопроизводстве. Хабаровск, 1987. С. 7. 2
4. Матюшин Б. Т. Общие вопросы оценки доказательств в судопроизводстве. Хабаровск, 1987. С. 8-9.
5. Треушников М.К. Судебные доказательства. – М.: Городец, 1997. – С. 163.
6. Фокина М. А. Оценка доказательств и новый ГПК РФ // Арбитражный и гражданский процесс. – 2003. – №6. – С.18.
7. Нефёдов Э.А. Развитие института оценки судебных доказательств в гражданском судопроизводстве. // Закон и право. - 2009. - №2. – С. 38-39.
8. <http://naukarus.com/razvitie-instituta-otsenki-sudebnyh-dokazatelstv-v-grazhdanskom-sudoproizvodstve>
9. Треушников М.К. Т 66 Судебные доказательства. М.: ОАО «Издательский дом «Городец», 2004. С-148.
10. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси www.lex.uz



Фарҳод ЖЎРАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси Дастлабки
тергов ва криминалистика
кафедраси ўқитувчиси

ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШДА ТЕХНИК ВОСИТАЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда махсус техник воситалардан фойдаланиш зарурати, уларга қўйилган талаблар, шунингдек суд-тергов амалиётида уларни қўллаш давомида юзага келаётган айрим муаммоли вазиятлар чуқур таҳлил қилинган. Бундан ташқари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда махсус техник воситаларни унумли қўлланилиши, ўз навбатида далил сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларнинг доирасини кенгайтиришга, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифат даражасини кўтарилишига ва шу йўл билан жиноятларнинг фош этиш кўрсаткичларини янада оширилишига хизмат қилиши ёритиб берилган.

Калит сўзлар: ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, махсус техник воситалар, фототасвир, видеоёзув, процессуал ҳаракатлар.

АННОТАЦИЯ

В статье проводится углубленный анализ необходимости использования специальных технических средств при осмотре места происшествия, требований к ним, а также некоторых проблемных ситуаций, возникающих при их применении в судебно-медицинской практике. Кроме того, эффективное использование специальных технических средств при обыске места происшествия, в свою очередь, послужит расширению круга информации, которая может быть использована в качестве доказательств, повышению качества дознания и предварительного расследования, а значит, и увеличению раскрываемости преступлений.

Ключевые слова: осмотр места происшествия, специальные технические средства, фотосъемка, видеозапись, процессуальные действия.

ANNOTATION

The article provides an in-depth analysis of the need to use special technical means when inspecting the scene, the requirements for them, as well as some problematic situations that arise during their application in judicial practice. In addition, the effective use of special technical means in the investigation of the scene, in turn, will serve to expand the range of information that can be used as evidence, improve the quality of inquiries and preliminary investigations, and thus increase crime detection.

Keywords: inspection of the scene, special technical means, photography, video recording, procedural action.

Жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, айбдор шахсларни аниқлаш ва уларни фош этиш ҳамда иш бўйича далилий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни топишда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, ҳар бир содир этилган жиноят ўзига хос белги ва хусусиятларга эга. Шу боис, жиноят содир этилган жойдаги изларни топиш ва ашёвий далилларни йўқотмаслик учун ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш талаб этилади. Ҳодиса содир бўлган жойда кўп ҳолларда жиноятга оид моддий излар ва бошқа ашёвий далиллар қолади. Уларни қидириб топиш ва амалдаги қонунчилик талаблари асосида ўрнатилган тартибда расмийлаштириб, жиноят ишига қўшиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, ашёвий далиллар жиноят содир этган шахсни аниқлаш ва унинг айбини исботлашга хизмат қилади¹. Қолаверса, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш давомида олинган излар, ашёвий далиллар ва ишга доир бошқа маълумотлар терговчига жиноятни очиш, терговни режалаштириш ва ўтказилиши лозим бўлган тергов ҳаракатларининг бирин-кетинлигини белгилаб олиш имкониятини беради.

Фикримизча, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК деб юритилади) талаблари асосида ўтказилишини таъминлаш учун суд-тергов амалиётида қуйидаги тушунчаларнинг мазмунини тўғри қўллаш зарур:

ҳодиса – табиий ва техноген офатлар, авариялар, инсонлар билан боғлиқ бахтсиз ҳолатлар, эпидемия, эпизоотия, ёнгинлар, фуқароларнинг бедарак йўқолиши, фуқароларнинг ёрдамга муҳтож ҳолатда топилми-

ши ва терговга қадар текширув, тергов ҳаракатларини ўтказиш талаб этадиган ҳолатлар;

ҳодиса содир бўлган жой – жиноят ёки ҳодиса содир этилганлиги ёхуд уларнинг илгари борлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган жой;

ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш – жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан ўтказиладиган тергов ҳаракати².

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг асосий мақсади ҳодисанинг келиб чиқиш ҳолатини бевосита кўриш билан мавжуд из, ашёвий далилларни топиш бўлиб ҳисобланади. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш айнан ана шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирдагина ўтказилиши мумкин. Шунинг учун ҳам қонунчиликда кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ҳодиса содир бўлган жой жиноят иши кўзғатилишидан олдин яъни, терговга қадар текширув даврида ҳам ўтказилиши мумкинлиги белгиланган. ЖПКнинг 91-моддаси талаблари асосида, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш давомида далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланилиши мумкин. Мазкур ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни бажаришга ёрдам бериш учун терговчи мутахассисларни жалб қилиш ваколатига эга.

Суд-тергов амалиётининг таҳлили бугунги кунда далилларни тўплашда илмий-техника воситаларидан, айниқса видеоёзувдан фойдаланиш процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини янада самарали муҳофаза этилишига хизмат қилишини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 майдаги ЎРҚ-617-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар



ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан видеоёзув орқали қайд этилиши шарт бўлган процессуал ҳаракатлар доираси кенгайтирилди. Эндиликда унга кўра қуйидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилиши шарт этиб белгиланди:

- 1) ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса жойини кўздан кечириш;
- 2) тинтув;
- 3) кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;
- 4) тергов эксперименти;
- 5) шахсни ушлаш;
- 6) ҳимоячидан воз кечиш;
- 7) шахс ушланганда ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш.

Қолган процессуал ҳаракатларни видеоёзув орқали қайд этиш масаласи бевосита терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчи томонидан мустақил ҳал қилинади. Суд-тергов амалиётида замонавий техник воситалардан фойдаланиш имкониятларининг кенгайиб бориши тергов органларининг фаолиятини янада самара-

*Эчки югуриб, кийик
бўлолмас.*

*Кулочингга қараб
кетмон чоп.*

Мақол


ли бўлишига хизмат қилмоқда. Чунки, улар тергов органларининг жинойтларни тез ва тўлиқ очишда сарфланиши лозим бўлган куч ва вақтнинг тежалишига, фуқароларимизга қўшимча қулайликларни юзага келтиришига, далилларни расмийлаштириш тартибини янада такомиллашишига, тергов ҳаракатларини амалга оширишда далилларни мустаҳкамлашга, энг муҳими инсон ҳуқуқларини тўлиқ таъминланишига олиб келади. Ҳодиса жойида фототасвирга тушириш – содир этилган ҳодисанинг моҳиятини аниқлаш, содир этилган ҳаракатларнинг оқибатлари ва хусусиятларини акс эттириш, ушбу ҳаракатлар натижасида қолган излар, буюмлар ва ашёвий далилларни кўрсатиш, шунингдек, тергов ҳаракатини қонун талаблари ва далиллар мақбуллигига оид қоидалар асосида ўтказилганлигини кўрсатиш мақсадида амалга оширилади³. Тергов амалиётида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг деярли барча ҳолларида ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш, ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилинишини олдини олиш мақсадида ҳодиса жойи фотосуратга олиниши ва ҳодиса жойининг чизмаси чизилиши ҳамда баённомага илова қилинишини барчамиз яхши биламиз.

Қонунийлик талабларига риоя қилган ҳолда ҳодиса содир бўлган жойдаги вазият, иш учун аҳамиятли бўлган излар ва ашёвий далиллар, шунингдек ҳодиса содир бўлган жойдан олинган ва баённомада кўрсатилган барча нарсалар ҳолисларнинг иштирокида (улар ҳам суратда кўринган ҳолда) суратга олиниши керак. Ушбу ҳара-

кат суратга олинган объектларнинг гуруҳи ва ўзига хос хусусиятлари юқори даражада кўринадиган қилиб олиниши ва тегишли равишда баённомада объектив қайд этилиши лозим. Шу мақсадда нафақат объектнинг умумий кўриниши, балки унинг айрим хусусиятларини алоҳида қайд этадиган қўшимча фотосуратларни ҳам олиш керак⁴. Назаримизда, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда фақат фотосуратга олишдан фойдаланиш белгиланган мақсадга эришиш учун етарли бўлмайди. Шунинг учун ҳам барча ҳолатларда видеотасвирга олишдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, видеоёзувлардан фойдаланиш кўздан кечириш жараёни ва натижаларини тўлиқроқ акс эттиришга, иштирокчиларнинг кўриши лозим бўлган ҳаракатлари ҳамда овозларининг аниқ ва тўлиқ ёзилишига имкон беради. Ҳодиса жойини кўздан кечиришни видеоёзувга олиш ва техник воситалардан фойдаланишда баъзи қийинчиликлар ҳам мавжудлигини алоҳида қайд этиш лозим. Масалан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда бир вақтнинг ўзиде кўздан кечириш ва изларни қайд этиш, олиш билан боғлиқ ҳаракатлар кетма-кетлиги ва тергов ҳаракати давомида юзага келадиган турли хил вазиятларни бир-бирига уйғунликда, доимий равишда узилишларсиз видеоёзувга олиниши муаммо юзага келтираётганлигини айтиш мумкин. Шунингдек, видеотасвирга олиш жараёнидаги муаммолардан яна бири – ҳам визуал, ҳам аудио маълумотларнинг видеода қайд этилишидир. Бунда муайян ҳаракатлар қидирув ишлари, ташкилий ва бошқа ишлар амалга оширилиши билан бирга тергов ҳаракати иштирокчилари, хусусан, терговчининг аудио нутқлари ҳам қайд этиб борилади. Ушбу ҳолатда тергов ҳаракатини ўтказётган мансабдор шахс ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёни ва натижалари, шунингдек ҳар бир ҳаракатлари юзасидан видеокамера қаршисида изоҳ бериб бориши лозим. Бундан ташқари, амалдаги қонун ва қонун ости ҳужжатларида видеоёзувни видеокамера хотира картасидан кўчириб олиш тартиби, видеоёзувни қисқартириш ва таҳрир қилишга оид масалалар тартибга солинмаган. Замонавий видеокамералар USB флеш-карталарга ёки тўғридан-тўғри CD дискларга ёзиб олишга имкон беради. Аммо, уни қайта ёзиш мумкин эмас, акс ҳолда видеоёзувнинг объектив олинганлигига шубҳа қилиши мумкин⁵.

Амалдаги қонунчиликда процессуал ҳаракатларни ўтказиш жараёни ҳамда унинг натижаларини фото ва видеоёзув восита-





лари ёрдамида қайд қилиш мумкинлиги, айрим ҳолларда эса видеоёзувга олиниши шарт эканлиги кўрсатилган бўлсада, аммо уларнинг процессуал тартиби тўлиқ ёритилмаганлиги суд-тергов амалиётида қонун талабларини турли хил талқин қилинишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам видеоёзув қўлланилаётган процессуал ҳаракатларнинг, хусусан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг аниқ процессуал тартибини қуйидаги ҳолатларни бартараф этган ҳолда қонунан белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, видеоёзув воситаларининг техник тавсифи ва унга қўйилган талабларни белгилаш.

Иккинчидан, видеоёзув воситалари қўлланилган ҳолатларда процесс иштирокчиларини бу ҳақда огоҳлантириш, амалга оширилаётган ҳаракатларга изоҳ беришнинг кетма-кетлиги ва тартиби, процессуал ҳаракат тамомлангач видеоёзувни иштирокчиларга намойиш қилиш, видеоёзувни видеокамера хотира картасидан электрон маълумотлар ташувчи мослама (CD диск, USB флеш-хотира ва бошқалар)га кўчириб олиш ва баённомага илова қилиш, баённомага илова қилинаётган электрон маълумот ташувчи мосламани ўраш ва муҳрлаш каби масалаларнинг процессуал тартибларини белгиловчи қоидаларни ишлаб чиқиш.

Учинчидан, видеоёзувни йўқотилиши, шикастланиши, бузилиши, бошқа маълумотлар билан аралашиб кетишининг олдини олиш чоралари, уларни қайта тиклаш шартлари ва тартибини белгилаш.

Тўртинчидан, процессуал ҳаракатлар видеоёзувга олиниши шарт бўлган барча ҳолларда видеокамера билан

ишлайдиган мутахассиснинг иштирокини тўлиқ таъминлашни қонунан белгилаш ёки техник воситалардан фойдаланиш тартибини ўзгариш мақсадида мансабдор шахсларни махсус ўқув курсларида ўқитиш тизимини йўлга қўйиш.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, айнан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда замонавий техник воситалардан фойдаланиш, бизнинг фикримизча, жиноят ҳолатини ўзгартириш, излар ва ашёвий далилларни сунъий тарзда йўқ қилинишининг олдини олишга ҳамда далилий маълумотлар доирасининг кенгайтилишига, суриштирув ва дастлабки тергов давомида келгуси тергов ҳаракатлари, яъни кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов экспериментини ўтказишда ҳолатни қайта тиклаш ва ушбу тергов ҳаракатларини режалаштиришга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида жиноятларни иссиқ изидан фош этилишига ва жиноятларни тергов қилишни янада самарали олиб борилишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шумилин. С.Ф. Теоретический основы и прикладные проблемы механизма реализации полномочий следователя в уголовном судопроизводстве: дис... док.наук. воронеж, 2010. С. 266
2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона ва Солиқ қўмиталарининг 2018 йил 1 мартдаги қўшма қарорига қаралсин.
3. Ҳодиса жойини кўздан кечириш: Ўқув-амалий қўлланма / У.М. Носиров. – Т., 2014. – 19 б.
4. Флоря Д.Ф. Проблемы проведения отдельных следственных действий органами дознания // Наука и практика. 2016. № 2 (67). С. 102-104.
5. Казначей И.В. Использование технических средств коммуникации в целях получения сведений доказательственного значения при производстве следственных действий // Вестник Московского университета МВД России. 2014. № 9. С. 146.



Дилмурод МАХМУДОВ,
Юридик фанлар
бўйича фалсафа
доктори (PhD),
доцент

ДАВЛАТ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ДАВР ТАЛАБИДИР

Бугунги кунда бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган коронавирус касаллиги бизнинг юртимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев мазкур даврда мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ушлаб қолиш, аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш, тадбиркорларга имтиёзли шароитларни яратиш мақсадида 2020 йил 20 июль куни “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6029-сонли Фармонни имзолади. Ҳеч кимга сир эмас, мамлакатимизда ҳам коронавирус (COVID-19) касаллигига чалинганлар кўпчиликни ташкил қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашда ўзларининг ҳаёт ва соғлиқларини фидо қилиб, жамоат жойларида хизмат мажбуриятини сиздиқидан бажараётган барча давлат идоралари ходимларини ижтимоий ғимоясини кучайтириш давр талабига айланмоқда. Аммо, ушбу фаолиятни амалга оширишда нафақат давлатнинг ташаббускорлиги, балки, суғурта ташкилотларининг ўз хизмат фаолиятлари ва суғуртанинг мажбурий турларини жорий қилиш юзасидан ташаббуслари беқийсдир. Жумладан, Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасининг тажрибасига назар ташласак, ушбу давлатларда суғурта ташкилотлари бош ислохотчи сифатида аҳоли ва сайёҳларга ўзларининг вирусдан ҳаёт ва соғлиқларини ғимоя қилиш мақсадида янгидан-янги суғурта хизмат турларини жорий қилаётганини кўришимиз мумкин.

Чунончи, қўшни Қозоғистон Республикасида коронавирус инфекцияси (“COVID-19”) билан боғлиқ зарарланиш ҳолатлари бўйича суғурта қилиш хизматини суғурта қилинаётган субъектларга қараб, унинг мажбурий ёхуд ихтиёрийлиги белгиланган. Жумладан, “Nomad Insurance” номи суғурта компанияси бугунги кунда Қозоғистон Республикасига ташриф буюраётган сайёҳлар учун коронавирус инфекциясидан (“COVID-19”) ўзларининг ҳаёт ва соғлиғини ғимоя қилиш учун мажбурий тартибда суғурта хизматини амалга оширмоқдалар. Ушбу суғурта хизмати учун

бошланғич суғурта мукофотининг миқдори 7 еуродан 10 еврогача бўлиши белгилаб қўйилган².

Бундан ташқари, Қозоғистон Республикасининг “Freedom Finance Life”³ суғурта ташкилоти томонидан 6 ой муддатга, Россия Федерациясининг “Согаз”, “Альфа Страхование”, “Ренессанс Жизнь” суғурта ташкилотлари томонидан 1 йил муддатга коронавирус инфекцияси (“COVID-19”) дан суғурталаш учун суғуртанинг ихтиёрий туридан фойдаланиб хизмат кўрсатаётганликларини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги давлатларнинг тажрибаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4412-сонли қарори ва 2020 йил 20 июль куни “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6029-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунда мамлакатимизда ҳам амал қилаётган карантин даврида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, ҳарбий хизматчилар ва соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларини “COVID-19” вирусидан давлат томонидан мажбурий тартибда суғурта қилиш тартибини жорий этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш давр талаби бўлиб ҳисобланади.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. https://forbes.kz/process/chto_jdet_kazhstantsev_u_kotoryih_viyavili_covid-19_v_antale
2. www.zakon.kz
3. <http://www.currencyhistory.ru/articles/361/pravda-o-strahovkahnasluchaj-koronavirusa#a1>

СУДГА МУРОЖААТДАГИ ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли.



Тўра
АЛИМАРДОНОВ,
Сариосиё туманлараро
иқтисодий суди раиси

Иқтисодий судларда иқтисодий ишлар манфаатдор шахсларнинг аризалари, прокурорнинг аризаси, давлат органлари, юридик шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонунларга асосланган ҳолда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда, шу давлат органларининг ва бошқа шахсларнинг аризалари бўйича кўзғатилади.

Даъво аризалари белгиланган шакл ва мазмунда бўлиши, қонунда белгиланган ҳужжатлар, далиллар илова қилиниши лозим. Бунинг учун эса судга мурожаат қиладиган шахслар, юридик хизматдан фойдаланиши зарур. Акс ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 155-моддасида назарда тутилмаган асослар бўйича судья даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни қабул қилмасдан қайтаради.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 203²-моддасига кўра агар даъвонинг баҳоси юридик шахсларга нисбатан — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан, якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан эса — беш бараваридан ошмаса, даъво аризалари бўйича ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилиши лозим.

Юридик хизматдан фойдаланмаган шахслар мазкур норманинг мазмунига тушунмаслиги, даъво талабининг соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўрилишининг фарқига бормаслиги оқибатида даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар нусхасини жавобгарларга юборилганлигини тасдиқловчи далилларни илова қилиб, даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаси жавобгарларга берилганлигини тасдиқловчи далилларни илова қилмаслиги оқибатида даъво аризаси қабул қилинмасдан қайтарилади. Бунга ўхшаш бошқа мисолларни ҳам келтириш мумкин. Мазкур камчиликлар эса судга мурожаат қилувчи шахснинг вақт йўқотишига, ортиқча меҳнат кучи сарфлашига, даъво аризасини почтадан юборган бўлса, почта харажатидан, шахсан судга келиб топширган бўлса, йўл харажатидан зарар кўришига олиб келади. Агар шахс юридик хизматдан фойдаланиб судга мурожаат қилса, мазкур камчиликларга йўл қўймайди ва зарар кўрмайди. Шу билан бирга судга мурожаат қилувчи шахсларнинг ҳуқуқий илмсизлигидан судга нисбатан норози бўлишининг олди олинади.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 68-моддасига асосан ишда иштирок этувчи

ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Агар даъво талабларини асословчи далиллар иш материалларида мавжуд бўлмаса ва тарафлар судга келтирилган ҳолатларни исботловчи ҳужжатларни тақдим этмаса, суд даъвони қаноатлантиришни рад этади. Даъвогар даъво талабларини асослаш учун дастлаб даъво талабларини тўғри қўйиши лозим. Демак, даъво талабини тўғри қўйиш учун шахс юридик хизматдан фойдаланиши керак. Даъво талабларининг нотўғри қўйилиши уни қаноатлантирилмаслигига ҳам олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатда эса судга мурожаат қилган шахс суд харажатлари (давлат божи ва почта харажатлари) ҳисобига зарар кўриши мумкин. Мисол учун, даъвогар шартнома ноқонуний тузилганлиги ва у қонунга зидлиги сабабли шартномани бекор қилиш ҳақидаги даъво талаби билан судга мурожаат қилган бўлса, даъвогар суд муҳокама-сида шартноманинг қонун талабларига зид равишда тузилганлигини исботласа-да, даъво талаби шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида эмас, балки шартномани бекор қилиш ҳақида бўлганлиги сабабли суд даъво-ни қаноатлантирмайди.

Чунки, шартномани бекор қилиш учун уни қонунга зид тузилганлиги эмас, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 382-моддасига мувофиқ иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузганлиги, ушбу Кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳоллар асос бўлиши мумкин. Шартномани ҳақиқий эмас деб топиш билан шартномани бекор қилишнинг ва унинг оқибатларини фарқига бормаган ҳамда юридик хизматдан фойдаланмаган шахслар ноўрин суддан норози бўлишларига сабаб бўлади. Шу сабабли суд раислари ва судьялар томонидан маҳалларда тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар, семинарлар ўтказилиб, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш чоралари кўриб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, суд идораларига мурожаат қилаётган қонунда белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор деган мақомга эга бўлган жисмоний шахслар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда юридик хизматдан унумли фойдаланишни йўлга қўйишса, даъво аризаларининг қонунда белгиланган шакл ва мазмунда берилиши билан бирга, судларга нисбатан асоссиз эътирозлар билдирилишининг олди олинади.



Нодир ФАЙЗИЕВ,
Фуқаролик ишлари
бўйича Навоий
вилоят суди раиси

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ: ҲУҚУҚИЙ АСОС, МУАММО ВА ЕЧИМ

Миллий қонунчилигимизда фарзандликка олиш институтининг жорий қилинганлиги ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам пойдеворидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 151-моддасига кўра, фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан уларнинг манфаатларини кўзлаб йўл қўйилади.

Мазкур тоифадаги ишлар судлар томонидан кўриладиган фуқаролик ишларининг салмоқли қисмини ташкил қилади. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судлари томонидан 2019 йил давомида фарзандликка олиш тўғрисидаги аризалар бўйича жами 149 та фуқаролик иши кўрилган бўлиб, шундан 143 та фуқаролик иши бўйича аризалар қаноатлантирилган, 2 та фуқаролик иши қаноатлантиришдан рад қилинган, 4 та иш бўйича аризалар кўрмасдан қолдирилган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аксарият ҳолатларда фуқароларнинг фарзандликка олиш ҳақидаги аризалари фуқаролик судлари томонидан қаноатлантирилади. Аммо, миллий қонунчилигимизда фарзандликка олишни истисно қиладиган ҳолатлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 152-моддасига мувофиқ, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар, қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар, асаб касалликлари ёки наркологиya муассаларида рўйхатда турувчилар, фарзанд-

ликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар, қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар вояга етмаган болаларни фарзандликка олишлари мумкин эмас. Хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам фарзандликка олиш масаласига алоҳида эътибор берилган. Хусусан, аксарият хорижий давлатларда фарзандликка олувчиларга нисбатан ёш цензи белгиланган бўлиб, уларнинг судланганлик ҳолатига деярли эътибор берилмайди.

Жанубий Корея қонунчилигига мувофиқ, фарзандликка олувчиларнинг ёши 25-45 ёш оралиғида бўлиши керак. Турмуш қурмаган ҳамда бир мартадан кўп ажрашган шахсларга болаларни фарзандликка бериш тақиқланади. Шунингдек, фарзандликка олувчи эр-хотин олий маълумотли бўлиши ҳамда уларнинг никоҳ қурганликларига камида уч йил бўлган бўлиши керак. Германия қонунчилигига мувофиқ, вояга етмаган болалар фақат қонуний турмуш қурган эр-хотинларга фарзандликка берилади. Фарзандликка олувчиларнинг ёш цензи эса аёллар учун – 21 ёш, эркаклар учун – 25 ёш қилиб белгиланган. Хитой Халқ Республикасининг “Фарзандликка олиш тўғрисида”ги қоидаларига кўра, фарзандликка олувчиларнинг ёши 30-50 ёш оралиғида бўлиши лозим. Шунингдек, болалар ўзаро никоҳда ҳамда мазкур никоҳда икки йилдан бери яшаб келаётган ва аввал икки мартадан ортиқ никоҳдан ажрашмаган шахсларга фарзандликка берилади. Ўзаро никоҳда бўлмаган яқка шахсларга, шунингдек тана оғирлиги белгиланган меъёрдан ортиқ бўлган шахсларга фарзандликка бериш тақиқланади.

Ҳозирги кунда суд амалиётида фарзандликка олувчиларнинг судланганлик ҳолати мавжудлиги, гарчи судланганлик муддатлари ўтиб кетган бўлса-да, болаларнинг фарзандликка олинишига жуда катта тўсиқ

*Ҳаммага дўст бўлган
одам ҳеч кимга дўст
эмас.*

АРАСТУ



бўлмоқда. Чунки, қонунда фарзандликка олишни истисно қиладиган мазкур асос умумий белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 77-моддасига кўра, судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади. Мазкур қонун қасддан содир қилган жиноятлари учун ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлик муддати ўтиб кетганлиги ёки уларнинг судланганлиги олиб ташланганлиги олдинги барча ҳуқуқларининг тикланганлигини англатади. Аммо, оила қонунчилигига мувофиқ, судланганлиги ҳолати тугаган ёки олиб ташланган шахслар вояга етмаган болаларни фарзандликка олиши мумкин эмас. Бу эса, кодекслар ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликни вужудга келтиради.

Зеро, амалиётда бола ўғай ота ёки она билан бир оила бўлиб яшаётган, болани она (ота)си ҳам турмуш ўртоғига болани фарзандликка беришга рози бўлган, лекин шахс қасддан жиноят содир этганлиги учун илгари ҳукм қилинган ҳолатлар ҳам кўплаб учрамоқда. Масалан, иқтисодий ёки экология соҳасидаги жиноят ва бошқалар. Ушбу қонун нормаси эса вояга етмаган болани қонуний йўл билан шу шахсга фарзандликка беришга йўл қўймайди. Фикримизнинг асоси сифатида фуқаролик судида кўрилган қуйидаги фарзандликка олиш ҳақидаги фуқаролик ишини мисол қилишимиз мумкин (фуқаролик ишидаги шахсларнинг исм-шарифи ва ҳолат ўзгартирилган).

Аризачилар Алимов Али Алимович ва Лазизова Лазиза Лазизовналар судга ариза билан мурожаат қилиб, улар 1981 йилда турмуш қуришганликларини, вояга етмаганлар 2003 йил 19 июлда туғилган Ботиров Бобир Ботир ўғли ва 2006 йил 15 январь куни туғилган Ботирова Алиса Ботир қизилар уларнинг невараси бўлишини, вояга етмаганлар келини ва ўғлининг фарзанди экани,

болалар 2008 йилдан буён уларнинг тарбиясида эканлигини, невараларининг онаси Алимова Амина Али қизи 2008 йилда фарзандларини уларга ташлаб кетганлигини, набираларининг отаси эса 2009 йилда бошқа оила қурганлигини, набираларини уларга беришга отаси рози эканлигини, Алимова Амина Али қизи эса оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлигини, уларнинг оиласи моддий жиҳатдан таъминланганлигини билдириб, уларга Ботиров Бобир Ботир ўғли ва Ботирова Алиса Ботир қизини фарзандликка беришни сўраганлар.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, Алимов Али Алимович муқаддам ўзига ишониб топширилган давлат мулкани лозим даражада сақламаганлиги ва растратага йўл қўйганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167 ва 172-моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилган. Лекин, у бугунги кунда болаларга ўз отасидек ғамхўрлик қилиб келмоқда. Болалар ҳам уни ота сифатида қабул қилган. Суд юқоридаги ҳолатни инobatга олиб, қонун нормаларига асосланган ҳолда аризачиларнинг аризасини қисман қаноатлантириб, вояга етмаган Ботиров Бобир Ботир ўғли ва Ботирова Алиса Ботир қизиларни Лазизова Лазиза Лазизовнага фарзандликка берган, аммо Алимов Али Алимовичнинг судланганлиги борлиги учун вояга етмаган болаларни унга фарзандликка беришни рад қилган.

Назаримизда, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 152-моддасида: “қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар” деган жумлани, “оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлар, шунингдек, оила, вояга етмаган болага, ахлоқ ва жинсий эркинликка қарши жиноят содир этганлар, деб кўрсатиш ҳамда “судланганлиги олиб ташланган ёки судланганлик муддати ўтиб кетган шахслар бундан мустасно”, - деган жумлалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.



**Хушвақт
ҚУРБОНОВА,**
мустақил изла-
нувчи

ЎЗБОШИМЧАЛИК УЧУН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

Ўзбошимчалик жинояти ҳақида гап кетганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу бевосита давлат ва жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар бўлган жиноят турларидан бири ҳисобланади. Яъни, у бошқарув тартибига қарши жиноятлар туркумига мансуб бўлиб, фуқароларнинг давлат ва жамият томонидан ўрнатилган қоидаларга риоя қилмаслиги оқибатида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бир маромда фаолият олиб боришига тажовуз кўрсатади. Натижада бошқа шахсларнинг, давлат ёки жамиятнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши хавфини тугдиради.

Ҳуқуқий асосларига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шартлиги тўғрисидаги муҳим конституциявий меъёр белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (кейинги ўринларда ЖК деб юритилади) 229-моддасида назарда тутилган ўзбошимчалик, яъни ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киради.

Гап шундаки, ЖК да берилган ушбу таҳрир фикримизча жиноятнинг зарур бўлган белгиларини тўлиқ намоён этмайди. Бунинг натижасида амалиётда қонунни қўлловчиларга жиноий ўзбошимчаликни маъмурий жавобгарликка тортиш ёки аксинча, объектив томондан ўзбошимчаликка ўхшаш бошқа жиноятлардан ажратиш тўғрисида қарор қабул қилишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Мазкур нормани чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, “Ўзбошимчалик” ЖКнинг 229-моддаси номи аниқ бир жиноят ёки ижтимоий хавфи қилмишга ишора қилмайди, номининг ўзидан айнан қайси жиноят ҳақида сўз бораётганини аниқлаш қийин. ЖК махсус қисмида назарда тутилган аксарият жиноятлар ўзбошимчалик билан содир қилинади. Масалан, ЖКнинг 142 (фуқароларнинг турар жой дахлсизлигини бузиш), 144 (фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш), 149 (муаллифлик ва ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш) моддаларида кўрсатилган жиноятлар ўзбошимчалик билан

содир этилган бўлсада, қонун чиқарувчи томонидан бу нормалар махсус норма сифатида ажратиб кўрсатилган.

Ҳуқуқшунос олим Д. Р. Примовнинг фикрларига кўра, “ўзбошимчалик” атамасининг ноаниқлиги, семантик маъносида бирон-бир кўрсатма йўқлиги тергов ва суд ҳатоларининг, шунингдек суиистеъмол қилишнинг мумкин бўлган таҳдидини келтириб чиқаради.

Бу ўринда миллий қонунчилик билан баъзи бир хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқ тажрибаси қиёсий таҳлил этилса, бир қанча ўзига хос жиҳатлар кўзга ташланади.

Жумладан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 330-моддасида назарда тутилган ўзбошимчалик жинояти учун жавобгарлик қуйидаги таҳрирда акс этган: ўз-ўзини бошқариш, яъни рухсатсиз қонунда ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган тартибга зид равишда қонунийлиги ташкилот ёки фуқаро томонидан эътироз қилинадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш, агар бундай ҳаракатлар жиддий зарар етказса;

ушбу модданинг 2-қисмида эса, ўша ҳаракат зўрлик ишлатилиб ёки ундан фойдаланиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса.

Модда санкциясида беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлиб, миллий қонунчилигимиз билан таққослаганда унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига мансуб бўлиб ҳисобланади.

Д. Р. Примовнинг фикрича, қонун нормасидаги бу техник ва ҳуқуқий муаммо, қонун маъносида ўзбошимчалик оқибати фақат фуқаро ёки ташкилотга зарар етказиш билан боғлиқ бўлиб, бу жамоат ташкилотларининг, халқаро органлар

ва ташкилотлар, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари жиноий ҳуқуқ соҳасида эътиборга олинмаган. Ўзбошимчалик бошқарув тартибига қарши жиноят сифатида кенг маънодаги тушунча бўлиб, албатта, давлат ва жамият манфаатларини қамраб олганлиги сабабли модда диспозициясида ўз аксини топиши лозим, деб ҳисоблайди.

Таҳлил қилинаётган модданинг иккинчи қисми, яъни ўзбошимчалик ҳаракатларини зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир қилиш учун жавобгарлик белгиланиб, қонун чиқарувчи томонидан тўғри хулосага келинган деб ҳисоблаймиз (мазкур қонун нормасини Қозоғистон, Тожикистон, Грузия давлати қонунчилигида ҳам кўриш мумкин). Чунки, амалиётда учрайдиган ва фаол ҳаракат билан содир этиладиган ўзбошимчалик жиноятларининг аксарияти зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ёки бир гуруҳ бўлиб содир этилганлигини суд қарорларидан кўриш мумкин.

Масалан, қарзга берилган пулни ундириш мақсадида бир гуруҳ бўлиб, айбланувчи ўзи яшаш хонадонига жабрланувчини алдаб олиб келиб, ечинтириб, беҳаё қилиқлар қилиб, видеотасвирга олиб, тасвирни тарқатиш билан қўрқитиб қарзини ундирмоқчи бўлган. Мазкур жиноий қилмиш тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 165-м 2-қ “б” банди билан таснифланган. Суд ҳукмига кўра, айбланувчиларнинг қонунга ҳилоф равишда қарздордан қарзини талаб қилиш ҳаракати ўзбошимчалик деб баҳоланиб, ЖКнинг 229-моддасига, жиноят иштирокчиларига нисбатан ЖКнинг 28-, 229-моддасига қайта квалификация қилинган.

Шу биргина мисолда ҳам кўриниб турибдики, қилмиш бир гуруҳ шахслар томонидан жиноий тил бириктириб, жисмоний ҳамда руҳий зўрлик ишлатиш орқали жабрланувчининг мулкидан ташқари унинг шаъни, кадр-қиммати, ҳаёти, соғлиғига ҳам тажовуз қилинмоқда. Афсуски, амалдаги қонунчилигимиз, яъни ЖК 229-моддада мазкур алоҳида малакаловчи белгилар мавжуд эмас.

Республика судлари томонидан кўрилган 52 та жиноят иши бўйича чиқарилган суд қарорларининг 18 тасида ўзбошимчалик жинояти бир гуруҳ шахслар томонидан жиноий тил бириктириб содир қилинганлигини кўриш мумкин. Бу жами ўрганилган ишларнинг учдан бир қисмидан ҳам ошади.

Амалиётдаги кўп учрайдиган яна бир ҳолатга жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Юқорида ўрганилган 52 та суд қарорларининг 11 та ҳолатида, қилмиш дастлабки тергов органлари ёхуд судлар томонидан нотўғри квалификация қилиниши оқибатида суд ҳукмлари ўзгартирилиб, қилмиш ЖКнинг 229-моддасига



қайта квалификация қилинган. Амалиётдаги бу каби қонунларни нотўғри талқин қилиш ва оқибатда қилмишни нотўғри квалификация қилиш ҳолатларининг асосий сабаби жиноят қонунчилигидаги ўзбошимчалик нормасининг мукамал эмаслиги, малакаловчи белгиларининг назарда тутилмаганлиги, қонун нормасидаги бўшлиқларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси бир қисмдан иборат бўлган 229-моддаси амалиётда ўзбошимчалик билан содир этилаётган турли кўринишдаги жиноий қилмишларни назарий жиҳатдан тўлиқ қамраб ололмайди ва натижада тергов ва суд амалиётида ушбу категориядаги жиноятларни квалификация қилишда хато, камчилик ва муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ўз навбатида қонундаги бу камчиликлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонун доирасида ҳимоя қилишда ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 229-моддасида назарда тутилган нормани такомиллаштириб, модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда белгиланишини лозим деб ҳисоблаймиз:

Ўзбошимчалик:

а) ҳаёт учун хавfli бўлмаган руҳий ёки жисмоний зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса;

б) ҳаёт учун хавfli бўлган руҳий ёки жисмоний зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса;

в) тақроран ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан жиноий тил бириктириб содир этилган бўлса.

“СУДЬЯНИНГ ҲАЛОЛЛИГИ ЖАМИЯТДА АДОЛАТ ТАНТANA ҚИЛИШИГА АСОС БЎЛАДИ”

Аёл бир қўли билан бешикни тебратса, бир қўли билан дунёни тебратади, деган ҳикмат бор. Ҳақ гап...

Дарҳақиқат, Яратган аёлга ато этган улкан меҳру-муҳаббат, матонат, сабр-бардош бутун дунёни тебратишга қодир. Унинг шарофати билан Ватан обод, хонадон файзли. Онанинг дуоси билан Юрт тинч, осмон мусаффо. Ватанинг тараққиётини ҳам унинг меҳнатисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичидаги кенг қўламли демократик ислохотларда ҳам уларнинг иштироки беқийс.

Журналимиз Таҳрир кенгаши аъзолари таклифи билан “Аёл ва жамият” номли янги рукн ташкил этилди. Ушбу рукнда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими тараққиёти учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган аёлларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида батафсил фикр юритилади. Улар билан турли мавзуларда қизиқарли суҳбатлар уюштирилади.

Мазкур рукннинг бугунги қаҳрамони юридик фанлар доктори, профессор Мавжуда Абдуллаевна РАЖАБОВАдир.



УЛУФ АКАДЕМИК ОРЗУСИНИНГ РЎЁБИ

Тақдир ҳамиша мени ёрлақанган. Бунинг учун мен фақат Яратганга шукрона айтаман. Қаранг, ҳуқуқшунослик оламига дастлабки қадамимни қўйишимга ҳам ўзбек халқининг буюк олими, машҳур тарихчи, академик Иброҳим Мўминов сабабчи бўлган.

Отам ҳамқишлоғимиз (бундан фахрланаман), академик Иброҳим Мўминовдан менинг қайси олий ўқув юртига ҳужжат топширишим масаласида маслаҳат сўраганида, у киши: “Қишлоғимиздан юрист чиқмаган, менга қолса, қизингизнинг ҳужжатларини Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига топширинг. Мактабни ҳам олтин медаль билан тамомлабди. Ажабмас, ундан катта ҳуқуқшунос олима чиқса”, деган экан. Хуллас, И. Мўминовнинг тавсияси билан ҳужжатларимни ҳозирги Ўзбекистон миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультетига топширдим. Тақдирни қарангки, улар орзу қилганидек, юридик соҳанинг олимаси бўлиб халққа танилдим. Лекин, мен мана шу улуг Ватандошимнинг тавсиясини бир лаҳза бўлса ҳам унутганим йўқ. Бундай ИНСОНнинг тавсияси менга ҳамиша катта масъулият юклаб турган.

Хотирамда ҳар доим гавдаланиб турадики, салкам ярим аср муқаддам, яъни 1973 йилда олийгоҳга ҳужжат топшириш учун отам билан Тошкентга келганимизда, оддий қишлоқда туғилиб вояга етган қизча шундай муҳташам шаҳарда қандай яшайман ва қандай ўқийман деган кўрқув ваҳимага солган. Юқорида айтганимдек, улуг инсоннинг тавсияси менга катта куч ва қувват берган.

ИЛМ ОЛАМИГА ЙЎЛ

Университетни аъло баҳолар билан тугатиб, прокуратура соҳасида ишлаб юрган кезларим, турмуш ўртоғим Шоназар Бердиев юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун фан арбоби, юридик фанлар доктори, профессор Фулом Аҳмедов раҳбарлигида илмий изланишлар олиб бораётган

ҚИСҚА САТРЛАРДА:

Мавжуда Ражабова 1955 йилда Бухоро вилояти Шофиркон туманида таваллуд топган. 1978 йилда Тошкент давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган.

1979–1986 йилларда Бухоро вилояти прокуратура органларида, 1986–2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси бош прокуратурасида фаолият юритган. 2000–2005 йилларда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яққасарой тумани суди судьяси ва раиси, 2005–2010 йилларда Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси, 2010–2015 йилларда Сенат раиси ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2015 йилдан бугунги кунгача Ички ишлар вазирлиги Академияси Жиноят процесси кафедраси профессори сифатида фаолият юритади.

Бердиевнинг бошқаларнинг дотини жонини, ўзининг ишонқ бағдар жаннат шарт. Қорғинидаги муроасиз бўлиши шарифларда зан бозининг нора олиши дининг диндан ишми

эди. Мен ҳам қизиқиб, улар билан бирга устознинг хонадонига борар эдим ва муҳокамаларда қатнашардим...

1993 йилнинг куз фасли эди. Бош прокуратуранинг тергов бошқармасида катта прокурор лавозимида ишлар эдим. Устозим Ф. Аҳмедов Фалсафа ва ҳуқуқ институти аспирантурасида тадқиқотчи сифатида илмий изланиш олиб бориш тақлифини айтиб қолди. Шундан сўнг “Шариатда жиноят ва жазо” мавзусини танлаб, номзодлик диссертациясини ёзишга киришганман. Лекин, тегишли манбалар етарли эмаслиги боис диний ишлар бўйича идорадаги мутахассисларнинг, жумладан, устоз шайх Абдулазиз Мансурнинг ёрдами билан тадқиқот ишимни тайёрлаганман ва номзодлик диссертациясини ИИВ Академиясида ҳимоя қилганман.

Докторлик диссертацияси мавзусини танлашимда ҳам устозим Ф. Аҳмедовнинг хизматлари катта бўлган. “Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жинойий-ҳуқуқий муаммолари” мавзусидаги докторлик диссертациямни Тошкент шаҳар Яққасарой туман судининг раиси лавозимида ишлаганимда, судда кўрилган ишлар асосида тўплаган тажрибамга таяниб ёзганман.

Бир пайтнинг ўзида илмий изланиш олиб бориш ҳамда катта масъулият талаб қиладиган судьялик лавозимида ишлаш осон кечмаган. Кечагидай ёдимда, суд раиси лавозими билан боғлиқ ишларимни кечкурун соат 19.00 гача бажарардим. Кўпчилик ҳолатда ходимлар уйига кетганидан сўнг илмий ишим билан жиддий шуғулланардим. Баъзан, эрта тонг соат 4 - 7 гача яна тадқиқот ишимни таҳлил қилишга тўғри келган. Лекин, ҳеч иккиланмай аниқ айта оламанки, инсонда илмга меҳр, унга интилиш, муҳими ирода кучли бўлса ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўта олади. Мана шу интилишларим натижасида эришган илмнинг орқасидан жуда кўп мартабаларга муносиб кўрилдим, деб биламан.

2005 йил мамлакатимиз тарихида биринчи бор қонун чиқарувчи ҳокимият – Парламент икки палатали бўлиб фаолият бошлаганида мен Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Сенат аъзоси бўлиб тайинланиб, юқори палатадаги Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмита раиси бўлганман. Иккинчи марта 2010 йил ўзим туғилиб ўсган Бухоро вилоятидан маҳаллий кенгаш депутати сифатида сайланиб, Сенат раиси ўринбосари лавозимида фаолият юритганман.

Илмий ишларимни ИИВ Академиясининг Ихтисослаштирилган кенгашида ҳимоя қилганман. Бунда менга яқиндан ёрдам берган, қўллаб-қувватлаган ИИВ Академиясининг ўша пайтлардаги бошлиғи, генерал-майор, юридик фанлар доктори, профессор Убайдулла Таджихановдан бир умр миннатдорман. Бундан ташқари, устозларим – академиклар Иброҳим Мўминов, Анвар Аъзамхўжаев, Шавкат Ўразаев, Ҳожиакбар Раҳмонқулов, фан арбоблари Ғулом Аҳмедов ва Шоназар Бердиевнинг хизматларини таъкидламасдан иложим йўқ. Афсуски, уларнинг кўпчилиги ҳозир орамизда йўқ, охиратлари обод бўлсин.

Ҳаётимда бешикдан то қабргача илм эгаллашдан тўхтамаслик, мендан ҳаракат – Яратгандан барокат, деган ақидага ишониб яшаш, жамиятда ўз ўрнига

эга бўлиш учун ор-номус, қадр-қимматга доғ туширмасдан, ҳалол-пок ва тўғри сўз бўлиш, ҳақиқат учун курашиш, адолатли ва холис бўлиш, тўплаган илмимни бошқаларга ўргатиш учун “устоз-шогирд” аъёналарига содиқ қолиш принципларига амал қилиб яшашга ҳаракат қилдим.

Алоҳида таъкидлашни истардимки, мен бу ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, барчаси учун раҳматли турмуш ўртоғим Шоназар ака сабабчи бўлган. У киши беназир ИНСОН эдилар. Минг афсус, тақдир мендан У кишини юлиб олиб кетди. Жойлари жаннатдан бўлсин...

АЁЛЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ МУҲИМ

Қайси лавозимда ишламайин, демократияга таянган жамиятда, жумладан, Ўзбекистонда аёлларнинг жамиятдаги ўрни жуда муҳим ҳамда салмоқли саналишини ўзимда ҳис қилганман. Шундан келиб чиқиб айтишим мумкинки, аёл раҳбарларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги фаолиятига эҳтиёж борган сари ошиб бормоқда.

Қувонарлиси, мамлакатимизда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Халқ орасида “гендер тенглик қонуни” дейилаётган ушбу муҳим ҳужжатнинг ҳар бир нормасини рўёбга чиқариш учун аёллар меҳнатини қадрлаш, уларга нисбатан ҳурмат-эътиборни оширишимиз зарур. Ахир, аёллар ишлаган жамоада вазифалар ўз пайтида белгиланган тартиб-таомиллар асосида амалга ошиши ҳеч кимга сир эмас.


СУДЪЯЛИК УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

Мен судьялик лавозимининг қай даражада машаққатли ва масъулиятли эканлигини жуда яхши биламан. Амалиётда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яққасарой туман судининг раиси лавозимида ишлаганман.

Судьянинг жамиятдаги обрў-эътибори соҳага оид қонунларни пухта ва пишиқ ўрганиб, энг муҳими уни амалиётда хатосиз қўллай олишига боғлиқ. Судья прокуратура, ички ишлар, адлия органлари соҳаларида ишловчи ҳуқуқшуносларга нисбатан ҳам қонунларни чуқурроқ ва мукамалроқ билиши зарур. Чунки, у ҳал қилув қарори ёки ҳукми ҳар томонлама асослантириши учун қонунларнинг мазмун-моҳиятини мукамал ўрганган бўлиши керак. Судьянинг обрўйига таъсир қилувчи омиллардан яна бири унинг юксак одобахлоқи. Айнан мана шу жиҳат уни коррупция балосидан узоқроқ тутади деб биламан. Баъзан кўча-кўйда, тўй-маъракаларда даврани тўлдириб ўйнаб, бошқаларнинг эътиборини ўзига жалб этиши, уятли ҳол. Судья имкон қадар жамоат жойларида ўзини кўз-кўз қилмаслиги шарт. Коррупцияга муросасиз бўлиши лозим. Сабаби, ҳадиси-шарифларда ҳам қозининг пора олиши унинг диндан чиқишидир, дейилган. Диндан чиқишни ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг. Азал-азалдан фақатгина билимдон ва халқчил судья ёки қози халқнинг ҳурматида сазовор бўлиб келган.

Ҳақиқий судья ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатли қарор қабул қилишга қодир бўлиши керак. Ана шундагина у елкасидаги улкан масъулиятни оқлаган бўлади.

Судьянинг ҳалоллиги жамиятда адолат тантана қилишига асос бўлади.





Гулнора ХУДАЙБЕРДИЕВА,
ТДЮУ
Ихтисослаштирилган филиали доценти,
юримдик фанлар номзоди

НИЗОЛАРНИ СУДГАЧА ҲАЛ ЭТИШНИНГ ЯНГИ МУҚОБИЛ ШАКЛИ

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, муаммоларни ечишда давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг аҳоли билан самарали мулоқотини замонавий механизм ва шакллари ни йўлга қўйиш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Фуқароларда юзага келган низоли масалаларни судгача муҳокама қилишнинг очиқ майдонини яратиш, судларнинг иш ҳажминини камайтириш, давлат органларида низоларни судгача кўриб чиқишнинг янги тизимини жорий этиш, низоларни ҳал этувчи замонавий муқобил институтларни йўлга қўйиш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 17 июнда қабул қилинган “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори юқоридаги масалаларни ҳал этишга қаратилган. Қарорда белгиланишича, бундан кейин ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида судья тарафлардан келишув битимини тузиш эҳтимолини ёки низоли кўриб чиқишнинг муқобил усуллари қўллаш мумкинлигини аниқлайди. Низо суддан ташқарида ҳал этилишининг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради. Тарафларнинг низолари медиация, ҳакамлик судлари ёки арбитраж орқали кўрилиб ҳал этилиши йўлга қўйилган бўлса, эндиликда муқобил институт сифатида “Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгашлари” фаолият юритадиган бўлди.

Авваллари жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ёки қабул қилган қарорлари ёхуд ҳаракатсизлиги билан боғлиқ шикоятлар судда кўриб чиқилган бўлса, эндиликда ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилганлиги ҳақидаги уларнинг мурожаатлари Апелляция кенгашида кўриб чиқилади. Президент қарори билан Апелляция кенгаши тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унда кенгашнинг вазибалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш тартиби батафсил белгиланган. Низомда мурожаатларни кўриб чиқиш схемаси илова қилинган. Схемада мурожаатларни кўриб чиқиш босқичлари, масъуллари, амалга ошириладиган тадбирлар ва муддатлари аниқ кўрсатиб берилган.

Апелляция кенгашининг асосий вазибалари этиб қўйидагилар белгиланган:

- жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органи ўртасида юзага келадиган

низоларни судгача кўриб чиқиш ва хулоса қабул қилиш орқали уларни ҳал этиш чораларини кўриш;

- мурожаатни кўриб чиқишда қонун ҳужжатида турлича талқин этилиши мумкин бўлган нормалар аниқланган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда, уларни белгиланган тартибда расмий шарҳлашни ташкиллаштириш бўйича чоралар кўриш;

- мурожаатни кўриб чиқишда аниқланган қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш ҳисобланади.

2020 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Наманган, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳузурида Апелляция кенгашлари ташкил этилмоқда. Апелляция кенгаши тегишли давлат органи ҳузурида низоларни судгача ҳал қилиш мақсадида тузиладиган коллегиял-маслаҳат органи ҳисобланади. Унинг аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади. Апелляция кенгашининг таркиби тегишли давлат органи раҳбарининг қарори билан икки ярим йил муддатга тасдиқланади. Апелляция кенгаши таркибда тузилиши мумкин. Апелляция кенгаши тавсиявий тусга эга бўлган хулоса қабул қилади. Апелляция кенгаши томонидан қабул қилинган хулоса уч кун муддатда давлат органи раҳбарига кўриб чиқиш учун, бошқа манфаатдор тарафларга маълумот учун юборилади.

Апелляция кенгашининг хулосасини қабул қилиб олган давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосари уни инobatга олиши ёки ёзма асослантирилган тарзда рад этиши мумкин. Бунда,

давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосари қабул қилинган қарор тўғрисида уч кун муддатда Апелляция кенгаши ва тарафларни ёзма ёки электрон тарзда хабардор қилади. Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилот мақомига эга бўлган низоларни муқобил усулда ҳал этиш билан шуғулланувчи профессионал медиаторларнинг ўзаро бирлашувига асосланган Медиация маркази ҳамда профессионал медиаторлар, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ўзаро бирлашувига асосланган Низоларни муқобил усулда ҳал этиш маркази ташкил этилишига ҳам рухсат берилди. Ушбу Марказлар олий маълумотга эга ҳамда раҳбарини қўшиб ҳисоблаганда, камида беш нафар ходимдан иборат таркибда тузилади.

Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгашларига ўхшаб бу Марказлар ҳам қатор вазифаларни бажаради. Хусусан, Марказларнинг асосий вазифалари этиб:

- медиация, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитраж фаолиятида низоларни муқобил усулда ҳал этиш тартиб-таомилини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш;

- медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж ишларини кўриш билан боғлиқ фаолиятга аралашмаслик принципи асосида иш юритиш;

- медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитраж соҳаларида мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқув курсларини ташкил этиш;

- медиаторларни тайёрлашнинг 72 соатдан кўп бўлмаган ўқув курсларини йўлга қўйиш ва уларни муваффақиятли яқунлаган тингловчиларга сертификат бериш;

- медиация ва низоларни муқобил ҳал этишнинг бошқа усуллари ривожланиши ва кенг оммалашувига кўмаклашув, бу соҳада семинарлар, тренинглар ва конференциялар ташкил этиш кабилар белгиланган.

Энг асосий жиҳати шундан иборатки, бу Марказлар медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж фаолияти юзасидан адлия органларига ҳисоботлар топширишдан озод этилган. Қарорда медиация хизматини самарали ташкиллаштириш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, профессионал медиаторлик касб сифатида Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига киритиладиган бўлди. 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб эса тегишли олий таълим муассасаларида илғор хорижий тажрибалар асосида медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж соҳалари учун низоларни ҳал этишнинг муқобил йўналишларига оид бўл-



ган магистратура мутахассисликлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Аҳолига қулайлик яратиш ва уларни низоларни муқобил ҳал этиш институтидан хабардор қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун бундан кейин профессионал медиаторлар ва ҳакамлик судлари реестрларига киритилган профессионал медиаторлар ҳамда ҳакамлик суди судьялари тўғрисидаги маълумотлар барча суд биноларида жойлаштирилади. Адлия вазирлигига Тошкент давлат юридик университети ва Юристар малакасини ошириш маркази билан биргаликда Тошкент медиация марказини тузиш ва унинг фаолиятини ташкиллаштириш юклатилган. 2021 йил 1 январга қадар Тошкент медиация маркази махсус тайёрланган бино ва жиҳозлар билан таъминланиши белгиланди.

2020 йил 1 июлдан бошлаб Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида давлат хизматлари марказлари биноларида низолашувчи фуқароларга медиатор хизматидан фойдаланиш учун алоҳида хоналар ажратилган бўлди. Адлия вазирлигига Апелляция кенгаши ташкил этилаётган давлат органларининг бу борадаги фаолиятини доимий равишда мониторинг қилиб бориш ва тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида уларга амалий ва услубий жиҳатдан кўмаклашув билан бирга, профессионал медиаторлар, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражлар ўртасида доимий равишда Марказлар ташкил этилишининг ижобий тарафлари ҳақида тарғибот ишларини олиб бориш ва бу борадаги фаолиятни мониторинг қилиш вазифаси юкланган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аҳолига низоларни суддан ташқари янги муқобил шаклларда ҳал этиш имкониятлари кенгайтирилмоқда. Олиб борилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар, аввало, инсонга қаратилган экан, унинг шаъни, қадр-қимматини ҳурмат қилиш, бузилган ҳуқуқларини ўз вақтида тиклаш, низоли вазиятларни юмшатиш, фуқароларга ўзаро ишончли мулоқот майдонларини яратиш, маънавий қадриятларни ҳурмат қилган ҳолда ижтимоий муҳитни барқарорлаштиришга ҳаракат қилинмоқда.



Худоёр МАМАТОВ,
Юристар малакасини
ошириш марказининг
Қонунчилик техникаси
ва коррупцияга қарши
экспертиза кафедраси
профессори

СУД ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Замонавий демократик жамиятда омма учун ёпиқ ёки жамоат назоратидан холи тарзда мавжуд бўла оладиган давлат ҳаётининг бирор бир соҳаси ёки институти йўқ. Ҳокимият жамиятдан нимадир яширган ёки етарли ва холис бўлмаган ахборотни бера бошлаган захотиёқ унинг фаолияти шубҳа остига олинади. Ўз навбатида, давлат ҳокимияти органларининг шаффофлиги (ошкоралиги) – фақатгина давлатнинг фуқаролик жамияти олдигаги мажбурияти эмас, балки ҳукумат фаолиятининг ушбу жамиятдаги легитимлиги (қонунийлиги)нинг муҳим шарти ҳам саналади.

Шунинг учун ҳукумат қонуний (легитим) бўлиши учун унинг фаолияти кенг маънода шаффоф (ошкора): оммавий, очиқ ва жамоатчилик назорати остида бўлиши лозим. Шу маънода, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонунлар ижросининг таъминланиши устидан фуқаролик жамияти институтлари ва кенг жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Жамиятда легитим бўлиш (қонуний фаолият юритиш) талаби, судларнинг ҳам фаолиятига бирдек тааллуқлидир. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунида жамоатчилик назорати тўғрисида норма мавжуд эмас. Бироқ, бу дегани, мазкур давлат органининг фаолияти жамоатчилик назоратидан четда эканлигини англатмайди.

Давлатнинг муҳим институтларидан бири сифатида суд ҳокимияти ҳам жамоатчилик назоратига эҳтиёж сезади. Суднинг ҳар бир қадами жамият учун очиқ ва ошкора бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида “Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон бир тарзда аралашшга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади”, дейилган. Бироқ, ушбу мустақиллик суднинг қонуний ишига аралашмаган ҳолда, фаолиятининг қонунийлигини жамоатчилик томонидан назорат қилинишига тўсқинлик қилмаслиги лозим. Акс ҳолда, қонунда белгиланган бу мустақиллик принципи бошбошдоқликни келтириб чиқарувчи хавфни юзага келтиради.

Қонуннинг 5-моддасида “Суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт” – дейилган норма мавжуд. Бундан кўриниб турибдики, суд ҳужжатлари ҳам қонунлар каби барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурий бўлиб, мамлакатнинг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт. Шундай экан, суд ҳужжатларининг қонунийлиги, адолатлилиги ва холислигини таъминлаш учун ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниш жараёни устидан қатъий жамоатчилик назорати зарур. Айнан, суд ҳокимиятининг очиқлиги ва шаффофлиги, судлар фаолияти устидан асосли, самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш имкониятини яратади. Шунинг учун ҳам бир томондан давлат, иккинчи томондан эса суд ҳокимияти вакиллари ўз фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлашдан манфаатдор бўлишлари лозим.

Судларнинг фаолияти серқирра эканлигини эътироф этган ҳолда амалдаги қонунларимизда судлар томонидан жиноят ишларини кўришда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг қандай механизми мавжуд эканлигига қуйидаги мисоллар орқали бир назар ташласак.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процесуал кодекси 21-моддасида “жиноят иши бўйича тергов олиб бориш ва ишни судда кўриш чоғида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят содир этилган ҳолатларни аниқлаб олиш, айбдорларни қидириш ва фош этиш, адолатли ҳукм чиқариш, шунингдек, жиноятнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш учун ўз ваколатлари доирасида жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишга ҳақлидир. Жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг вакиллари жиноят ишини

юритишда жамоат айбловчилари ҳамда жамоат ҳимоячилари тариқасида қатнашишга ҳақлидир” – дейилган. Бундан кўриниб турибдики, жиноят ишини судда кўриш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ёки меҳнат жамоаларининг вакиллари жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этишлари мумкин. Бундай иштирок орқали вакил хоҳ у жамоат айбловчиси, хоҳ жамоат ҳимоячиси бўлсин ўзининг процессуал вазифасини адо этиш баробарида суд томонидан жиноят ишини кўриб чиқиш, адолатли, холис ва қонуний қарор қабул қилиниши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Судлар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг яна бир кўриниши “халқ маслаҳатчилари” институти саналади.

Қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эгадирлар. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси 14-моддасига мувофиқ: Одил судловни амалга оширишда судьялар ва халқ маслаҳатчилари мустақилдирлар ҳамда фақат қонунга бўйсунадилар. Судьялар ва халқ маслаҳатчилари жиноят ишларини қонун асосида кўриб чиқадилар ва ҳал қиладилар. Бундан кўриниб турибдики, жиноят ишларини кўриб чиқишда суд процессининг бошидан охирига қадар халқ маслаҳатчилари худди судьялар каби мустақил ва қонунга бўйсунган ҳолда иштирок этади. Бундай иштирок халқ вакили бўлган халқ маслаҳатчилари томонидан судьялар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш имкониятини яратади.

Яна бир муҳим масала, суд ходимларини танлаш ва судьялар корпусини шакллантиришда қонунийлик, очиқлик ва адолатлилик принципларига амал қилинишидир. Кейинги тўрт йил давомида мамлакатда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари туфайли ушбу вазифа ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг таклифига биноан судьяларни танлаш ҳамда лавозимга тайинлашнинг холислиги ва шаффофлигига ишончни ошириш мақсадида ҳар бир худудда судьялар корпусини шакллантиришга кўмаклашувчи комиссиялар тузилганлиги сўзимизнинг исботи бўла олади.

Бундан ташқари, биринчи марта беш йиллик муддатга судьялик лавозимига тайинланадиган номзод учун жамоатчилик розилиги институти вужудга келди. Жамоатчилик розилигини олиш жараёнида судьяликка номзод жамоатчилик вакилларига иш режаси ҳақида ахборот беради. Шунингдек, судларда фуқароларнинг ҳуқуқларини қонундан оғишмай ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини таъминлашда суд ходимларининг профессионал



билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиши долзарб аҳамият касб этади. Маълумки, судьялар ўз фаолияти давомида амалдаги қонун ҳужжатларини адолатли тарзда ва бир хилда қўллаш олишлари учун ўз профессионал маҳоратини доимий равишда ошириб боришлари лозим. “Судьялар одоб-ахлоқ қоидалари” да ҳам судья ўз малакасини юқори даражада ушлаб туришга, назарий билимлари ва амалий кўникмаларини такомиллаштириб боришга мажбурлиги қайд этилган. Шу боис узлуксиз таълим олиш ва ўз малакасини ошириб бориш судьянинг одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Қолаверса, судьялар мустақил таълим олиш усули орқали ўз билим ва кўникмаларини орттириб бориши лозим. Судьянинг мустақил таълим олиши кундалик фаолиятининг бир қисми бўлиб, бунда у асосий ишдан бўш вақтларида, уйда, иш фаолияти давомида малакасини ошириб бориши талаб этилади. Мустақил таълим олиш жараёнида судья доимий равишда изланиши, амалдаги қонун ҳужжатлари ва уларни амалиётда тўғри қўллашга оид адабиётлар ҳамда суд амалиётини мунтазам кузатиб, таҳлил қилиб бориши лозим бўлади. Бунда у йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг сабабларини ўрганиши, ўз фаолиятида уларни такрорламаслик чораларини кўриши зарур. Зеро, судьялар малакасини ошириш одил судлов самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омилдир.

Хулоса қилиб айтганда, суд ҳокимиятининг фаолияти қанчалик очиқ ва ошқора, жамоатчилик назорати остида бўладиган бўлса, унга нисбатан аҳолининг ишончи ортиб боради. Суд ҳокимиятига нисбатан аҳоли ишончининг ортиши эса улар фаолияти самарадорлигининг муҳим шартларидан бири саналади. Бу ерда бир нарсани эътибордан четда қолдирмаслик лозим, яъни жамоатчилик ишончининг даражаси, жамоатчилик ушбу давлат органи фаолиятдан қанчалик хабардор эканлигига боғлиқ. Умуман, суд органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг такомиллаштирилиши мамлакатда қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва умумжамиyat манфаатларининг ҳимоясини кучайтириш манфаатларига хизмат қилади.



**Изратулло
ТОХИБОВ,**

юридик фанлар
номзоди

ЯНГИ ЖАМИЯТДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Қонун асосида бошқариладиган замонавий, ҳуқуқий демократик давлат, очик, эркин фуқаролик жамиятининг энг муҳим элементларидан бири ва таркибий қисми бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг самарали фаолият кўрсатиши учун мамлакатимизда ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга тадбиқ этилган. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилган.

Масалан, мамлакатимизда “учинчи сектор”ни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратилади. Шу ўринда бу соҳадаги етук ҳуқуқшунос олим, академик Акмал Саидовнинг куйидаги фикрларини келтириб ўтиш ўринли: “Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича ноёб тажриба тўпланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат фонди ташкил этилган бўлиб, ушбу Жамоат фондининг маблағларини мамлакат парламенти томонидан тузилган Парламент комиссияси бошқаради. Бундан мақсад, давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари-

ни қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган маблағини ижро ҳокимиятидан холи бўлган ҳамда халқ вакилларидан таркиб топган парламент томонидан тақсимланишини таъминлашдир. Парламент комиссияси давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни 3 шаклда, яъни давлат субсидияси, давлат ижтимоий буюртмаси ва давлат грантлари шаклида тақсимлаб келмоқда.”¹

Фуқаролик жамияти институтларининг сони тўғрисидаги статистик рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, мустақилликнинг илк йилларида 300 га яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритган бўлса, 2015 йилга келиб уларнинг сони 8000 дан ортиқроқни ташкил этган. Ҳозирги кунда Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтган фуқаролик жамияти институтлари сони 9 минг 478 тага кўпайган. Сон жиҳатидан уларнинг ўсиш тенденциялари кузатилади, лекин, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичи талаблари нуқтаи назаридан уларнинг фаолиятида сифат жиҳатдан кескин ўзгариш кўзга ташланмади. Мисол учун, бугунги даврнинг энг муҳим талаби, қолаверса, уларнинг асосий вазифаларидан бири – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан кенг жамоатчилик ўртасида ўзаро мулоқот майдонига айланиши, айтиш лозим бўлса давлат ва жамият ўртасидаги ишончли кўприк воситасига айланди, дейиш қийин. Ёки янги жамиятнинг стратегик гоёларидан бирига айланган “Жамият – ислохотлар ташаббускори” деган вазифани амалга ошириш мақсадида қандай йирик лойиҳалар улар томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди? Бу саволга ҳам аниқ ва амалий жавоб топиш мураккаб. Шубҳасиз,



жамият тараққийети фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига чамбарчас боғланган. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “**нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бугунги кунда аҳолини ўйлантираётган муаммоларга давлат идоралари эътиборини қаратиб, ўзларининг асосланган таклифларини бериб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади.**”²²

Дарҳақиқат, янги жамиятни эркинлаштириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштиришга қаратилган том маънодаги тарихий ислохотлар натижасида фуқаролик жамияти институтлари, хусусан нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳаётга татбиқ қилинган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилишдаги роли ва аҳамиятини ҳам янги босқичга кўтармоқда.

Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишга қаратилган 10 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ҳам фикримизга мисол бўла олади.

Бугунги Ўзбекистонни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг шиддатли суръатларини инobatга олган ҳолда жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштирок этишларидаги ролини ошириш орқали уларнинг фаолиятини сезиларли даражада кучайтириш учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Амалиёт таҳлили нуқтаи назаридан ушбу масалага ёндашадиган бўлсак, жамоатчиликнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирок этишига тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликларнинг мавжудлиги кўзга ташланади.

Бу нималарда намоён бўлади?

Биринчидан, *давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жумладан ижро ҳокимиятининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ва конструктив*



мулоқот қилиш механизмлари йўлга қўйилмаган. Оддий қилиб айтадиган бўлсак, жамият тараққийети билан боғлиқ аниқ бир масалада ўзаро тенг асосда амалий ҳамкорлик қилиш учун ижтимоий майдон яратилмаган.

Шунинг учун, амалиётда жуда муҳим жараёнлар, хусусан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш даражаси юқори эмас. Натижада, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ифодаланадиган баъзи бир масалаларни чуқур ўрганиш ҳамда инobatга олиш имкони бўлмапти.

Иккинчидан, *нодавлат нотижорат ташкилотларининг самарали фаолияти учун зарур бўлган ташкилий-ҳуқуқий асослар тизимли равишда ўрганилиб, чуқур таҳлил қилиниб бориш амалиёти йўлга қўйилмаган.*

Бундай ўрганиш номигагина эмас, балки катта тайёргарлик билан фундаментал асосга эга бўлиб, унинг учун олдиндан саволномалар тузилиб ташкил этилиши, жараёнда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мутасаддилари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда мустақил экспертлар иштироки таъминланиши амалий натижа беради.

Учинчидан, *“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг тегишли моддаларида гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро шерикчилик муносабатларидаги ҳуқуқий чегаралар белгиланган бўлсада, унинг ижроси билан боғлиқ камчиликлар мавжуд.*



Жумладан, ҳудудлардаги давлат органлари томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказиш, уларнинг жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш ташаббуси билан чиқиш, лойиҳалар юзасидан таклифлар тайёрлаш борасида фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилмаган.

Ҳамкорлик фақатгина биргаликда тадбирлар ўтказиш ёки турли соҳаларда тузиладиган ишчи гуруҳлари ва комиссиялар таркибига киритиш билан чекланади, холос.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4473-сонли қарорида³ белгиланган вазифалар нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллигини, фаолияти самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Сабаби, мазкур қарорда мамлакатимиз қонунчилик тажрибасида биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекси лойиҳасини тайёрлаш ва бу лойиҳани ҳар томонлама пишиқ-пухта, ҳаётий тайёрлашни мақсадида тегишли давлат органлари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, катта тажрибага эга ННТ лар вакиллари билан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Ишчи гуруҳнинг олдида илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва шакланган миллий ҳуқуқни қўллаш амалиёти асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликни кодекслаштириш ва тизимлаштириш вазифаси қўйилди.

Ушбу кодекс лойиҳасини тайёрлаш жараёнида қуйидаги масалаларга жиддий эътибор қаратилиши ҳамда ННТ лар фаолиятида амалий аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий нормалар ўз аксини топиши лозим деб ҳисоблаймиз:

- шу соҳа билан боғлиқ амалдаги барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, уларда ишламаётган, назарий ва амалий жиҳатдан эскирган нормаларни кодекс лойиҳасига киритмаслик лозим;

- қонунларда белгиланган баъзи бир императив нормалар, жумладан, давлат органлари ННТ ларни “жалб этиши мумкин”, “таклиф сўраши мумкин” каби меъёрларни қатъийлаштириш керак;

- нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш жараёнларини соддалаштириш, уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи қонунчилик нормаларидаги ортқча бюрократик талаблар ва ёзларни чиқариб ташлаш шарт;

- ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қўлланилаётган идоралараро ҳамкорлик усуллари билан ННТ ўртасидаги маълумотлар ва ахборот алмашишнинг ягона механизмларини яратиш тўғрисидаги нормалар ўз аксини топиши амалиётда ижобий натижалар беради, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Инсон ва қонун” газетаси., 2017 йил., июнь ойи сони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти., Маърузалар бўлими., 2020 йил 24 январь.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2019 й., 07/19/4473/3864-сон

Икки дўст ва айиқ

Икки дўст ўрмонда айланиб юрганларида тўсатдан айиққа дуч келиб қолишибди. Улардан биринчиси шошиб дарахтга чиқиб олибди ва айиқнинг чангалидан кутулиб қолибди. Иккинчиси эса, ҳеч нарса қўлидан келмаслигини билиб, ўзини ўлганга солиб ётиб олибди.



Айиқ ерда ётган кишининг олдига келиб, қулогини ҳидлабди. Ҳатто уни туртиб ҳам кўрибди. Кишини ўлган деб ўйлаб, унга тегмасдан кетиб қолибди.

Айиқ кетгач, ҳалиги кишининг дўсти дарахтдан тушиб келиб:

– Дўстим, айиқ қулогинга нима деб шивирлади? – деб сўрабди.

– У менга: қийинчилик пайтида ташлаб кетадиган дўст билан саёҳатга чиқишни яхшилаб ўйлаб кўрмабсан-да, деди, холос, – деб жавоб берибди дўсти.

Қиссадан ҳисса: Дўстлик қийинчиликда синалади.



**Хожимурод
ОДИЛҚОРИЕВ,**
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор.

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизимида сўнгги йилларда пайдо бўлган янги мавзулардан бири медиация институтидир. Аввало, шунинг таъкидлаш жоизки, медиация институти узоқ тарихий илдизларга эга. Низоларни учинчи шахслар воситачилигида ҳал этиш усули қадим даврларда ҳам қўлланилган. Тарихий манбаларда эътироф этилишича, медиация усулидан қадимги Шумер, Бобил ҳамда Финикия давлатларида тижорат соҳасида, савдогарлар ўртасидаги низоли вазиятларни ечишда фойдаланилган. Шунингдек, қадим Юнонистон ва Афинада ҳам турли келишмовчиликларни ҳал қилишда воситачилар (медиаторлар) хизматидан фойдаланилган.

Қадимги Римда милoddан аввалги VI асда яратилган Юстиниан кодексида низоли ҳолатларни бартараф этиш учун воситачилик институти тан олинган. Римликлар баҳс-мунозараларни ҳал қилувчи шахсларни «medius» («воситачи») деб атаганлар. Улар алоҳида нуфузли тоифа ҳисобланганлар.

Мурсаи-мадора бизнинг қадимий аждодларимиз табиатига хос фазилатлардан саналиб, «Авесто» да ўз ифодасини топган ва ўша даврлардан бошлаб ривожланиб келган. Кўҳна даврдан то ҳозиргача уруф ҳамда қабила оқсоқоллари, кейинчалик маҳалла раислари (оқсоқоллари), ёши улур, ҳаётий тажрибаси катта бўлган ҳурматли инсонлар, аввало, оилавий низоларни бартараф этишда, қолаверса, маиший, мулкый, тижорат, савдо, қарз олди-бердиси каби масалаларга оид низоларни жанжалсиз ечишларида, томонларни мурсага келтиришда салмоқли ҳамда умум учун фойдали фаолиятни амалга ошириб келганлар. Бағрикенглик, кечиримлилик, ярашув каби фазилатлар халқимиз табиатига хос бўлиб, инсоний кадриятлар силсиласида асраб-авайлаб келинган.

Медиация – лот. «mediare» сўзидан олинган бўлиб, воситачилик қилмоқ, ўртада турмоқ, орага тушмоқ деган маънони англатади. Шунингдек, «**медиация**» – (инг. «mediation» – воситачилик) – низоларни муқобил (судгача) ҳал қилиш усули бўлиб, унда низолашувчи тарафларга холис, бетараф медиатор ўзаро мақбул келишувга эришишга ёрдам беради, лекин у низо бўйича қарор қабул қилишга ва тарафларнинг ҳеч бирига маслаҳат беришга ҳақли эмас. Медиация институти қадимги Франкларда эр.авв. II аснинг бошида қўлланилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Медиация ҳозирги кўринишда АҚШ ва бошқа англо-саксон ҳуқуқ тизими амал қиладиган давлатларда ўтган асрнинг 70-йилларида

пайдо бўлган. 1990 йилларнинг бошидан Европа давлатларида ҳам қўлланиб келмоқда¹.

Медиация Хитой ва Японияда ҳам азалдан кенг қўлланилган. Бугунга келиб мазкур давлатларда низоларни бартараф этишда воситачиларнинг иштироки ахлоқ нормалари нуқтаи назаридан баҳсни судда ҳал этишга қараганда юқорироқ қўйилади. Низони судгача ҳал этиш мақсадида медиацияга юз тутиш маърифатли жамоатчилик кўз ўнгида тарафларнинг нуфузини минг чандон оширади. Бундай йўл тутиш тегишли шахсларнинг давлатнинг суд идораларида тортишувдан қўрқшини эмас, балки донишмандлик, саховатпешалик, вазминлик ҳамда мулоҳазадорлик билан оқилona иш кўрилганлигини англатади. Зеро, медиатив воситачилик Хитой ва Япон халқлари ҳуқуқий маданиятининг узвий қисми саналади.

Ўтган асрнинг 60-йилларида АҚШ фуқаролик ишлари судловида «Америка қондаси» деган институт пайдо бўлган. Унинг асл маъноси – адвокатларнинг хизматида ҳақ ишнинг оқибатидан қатъи назар тарафлар томонидан тўланади. Бу катта ҳажмдаги харажатлар бўлишини, улкан суммалар тўланишини англатади.

Европа мамлакатларида медиация ўтган аср охирларидан қўлланила бошланди. Воситачиликнинг АҚШ томонидан илгари сурилган модели Германияда анча оммалашган бўлса, Францияда унчалик муваффақият қозонмади (эслатиб ўтиш жоизки, Наполеон Бонопарт 1803 йилда «Медиация тўғрисида Акт» қабул қилган эди. У Франция, Швейцария, Германия воқелигига ўз таъсирини ўтказган). Бу мамлакатда медиация одил судлов тизимига сингдирилди – медиаторлар бевосита судлар ҳузурида иш олиб бордилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонунида берилган таърифга биноан, медиация – келиб чиққан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал этиш усули (4-модда). Аммо бу таъриф медиациянинг муайян тартиб-таомиллар асосида холис мутахассис воситачилигида амалга ошириладиган жараён эканлигини инкор этмайди.

Медиация малакали ва ваколатли мутахассис (вакил) томонидан ўзгача маҳорат, назокат ва маданият билан ўтказиладиган музокаралардан иборат бўлади. Унинг муваффақияти кўп жиҳатдан медиаторнинг тажрибасига, малакасига, билимдонлигига, дипломатик фазилатларига, ваколатлилигига, тарафларнинг фикрини ҳурмат билан тинглаш, мулоҳаза юритиш, таҳлил этиш ва оқилона уйғунлаштириш қобилиятига боғлиқ бўлади. Улуғ бобокалонимиз Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари шарҳида медиациянинг табиати ҳақида ҳам сўз юритилган. Аллома ўз китобида ҳакамлик қилишга розилик билдирган шахс қозиларга хос барча фазилатлар эгаси бўлиши лозимлигини таъкидлайди. “Мабодо икки одам бировни ҳакамликка лойиқ кўриб, унинг чиқарган қароридан мамнунлик изҳор этган экан, бу қарор шак-шубҳасиз ҳақиқийдир”, – дейди муаллиф².

Медиаторнинг вазифаси – низолашувчи томонларнинг низоларини мустақил, ўзаро фойдали шартлар асосида ҳал этиш имкониятини топишга кўмаклашувдан иборат. Медиатор далилларни текширмайди, тарафларнинг талаблари қонунийлигига баҳо бермайди. Холис учинчи шахс – медиатор аслида суд ҳам, арбитр ҳам эмас ва вужудга келган низо юзасидан ҳеч қандай мустақил қарор қабул қилмайди³.

“Медиация тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади низоларни тартибга солишнинг муқобил усуллари ривожлантириш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, суд тизимига тушадиган иш ҳажмини камайтиришдан иборат. Қонун фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низоларга; яқка меҳнат низоларига; оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга нисбатан, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, татбиқ этилади (3-модда). Қонун медиацияда иштирок этмаётган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат манфаатларига дахл қиладиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган низоларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Қонуннинг хусусиятларидан бири шуки, унинг алоҳида моддасида “медиация”, “медиатор”, “медиатив келишув”, “медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув”, “медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув” каби асосий тусунчаларга таъриф берилган.



Медиациянинг асосий принциплари. Медиация жараёнини тегишли ташаббус (хоҳиш-истак) бўлган тақдирда бошлаш ва босқичма-босқич амалга ошириш муайян принципларга асосланади. Қонунда медиациянинг қуйидаги муҳим принциплари мустаҳкамланган: ихтиёрийлик, махфийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлиги, медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги (5-модда). Мазкур принципларнинг ҳар бирини алоҳида изоҳлаймиз.

1. Ихтиёрийлик принципи. Ушбу принципнинг аҳамияти шундаки, медиация тарафларнинг медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда ифодаланган ўзаро ихтиёрий хоҳиш-истаги бўлган тақдирда қўлланилади.

Медиация тарафлари медиацияни қўллашдан унинг исталган босқичида воз кечишга ҳақли. Тарафлар ўзаро мақбул келишувни муҳокама қилиш учун масалаларни танлашда эркиндир. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш вақтида ярашишга ёхуд бирон қарорни қабул қилишга мажбурлаш тақиқланади.

2. Махфийлик (конфиденциаллик) принципи. Махфийлик принципи медиаторнинг касбий мажбуриятларидан келиб чиқади. Медиация тартиб-таомилларининг конфиденциал табиати унинг суд муҳокамаларига нисбатан муҳим афзалликларидан биридир. Мазкур принципнинг маъноси шундаки, медиация иштирокчилари медиация жараёнида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни уларни тақдим этган медиация тарафининг, унинг ҳуқуқий ворисининг ёки вакилининг ёзма розилигисиз ошкор қилишга ҳақли эмас.

Медиация иштирокчилари ўзларига медиация жараёнида маълум бўлиб қолган ҳолатлар ҳақида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас, шунингдек, улардан медиацияга тааллуқли ахборотни талаб қилиб олиш мумкин эмас, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Медиация жараёнини бошлашдан аввал медиатор тарафларни махфийлик принципига амал қилиниши хусусида огоҳлантириши шарт. Махфийликка медиация тартиб-таомилларини ўтказишнинг барча

босқичларида, яъни унинг бошидан охиригача риоя этилади. Ушбу принцип медиациянинг бошланиш ва яқунланиш нуқталарини аниқ белгилашга ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

3. Тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги принципи. Медиация тартиб-таомили медиатив келишув шартларига бир томонлама таъсир кўрсатишни истисно этган ҳолда амалга оширилиши керак. Медиация тартиб-таомили низо хусусида тарафларнинг ҳамкорлиги асосида ўзаро мақбул қарорга эришиш мақсадида амалга оширилади.

Медиация тарафлари медиаторни, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартибини, медиация тартиб-таомилидаги ўз нуқтаи назарини, бу нуқтаи назарни ҳимоя қилиш усуллари ва воситаларини танлашда, ахборот олишда, медиатив келишув шартларининг ўзаро мақбуллигини баҳолашда тенг ҳуқуқлардан фойдаланади ҳамда уларнинг зиммасида тенг мажбуриятлар бўлади (Қонуннинг 8 – моддаси).

4. Медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги принципи. Медиация тартиб-таомилини амалга оширишда медиатор мустақилдир. Медиация тартиб-таомилини амалга оширишда медиаторнинг фаолиятига бирор бир тарзда аралашувга йўл қўйилмайди. Медиатор холис бўлиши, медиация тартиб-таомилини тарафларнинг манфаатларини кўзлаб амалга ошириши ва медиацияда уларнинг тенг иштирокини таъминлаши, тарафларга ўз мажбуриятларини бажариши ҳамда ўзларига берилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиши керак. Медиаторнинг мустақиллиги ва холислигига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, у бу ҳақда тарафларга маълум қилиши шарт ва медиация тартиб-таомилини амалга оширишдан воз кечиши керак (9 ва 13-моддалар).

Медиациянинг асосий босқичлари. Хорижий тажриба ҳамда шаклланган амалиёт таҳлили, шунингдек, мамлакатимизда жорий этилган қонунчилик асосида медиациянинг куйидаги (этаплари) босқичларини таъкидлаш мумкин:

1) кириш; 2) биргаликдаги мажлис (сессия); 3) тарафлар билан алоҳида учрашув (суҳбат)лар; 4) биргаликдаги сессиянинг давоми; 5) музокаралар; 6) яқуний медиатив келишув.

Баён этилган ушбу босқичлар мазмунини очишга ҳаракат қиламиз:

1. Медиацияга кириш босқичида вакил (медиатор) тарафларни кутлаб саломлашади, медиация усулини танлаб розилик билдирганликлари учун миннатдорчилик билдиради; медиациянинг моҳияти ва медиаторнинг роли ҳамда мақомини тарафларга тушунтиради; иштирокчиларга ҳурмат, маданият билан мулоим ҳамда самимий муомала қилиб, музокараларнинг конфиденциаллиги (махфийлиги)ни тушунтиради ва бу хусусдаги келишувни имзолатиб олади⁴; медиаторнинг ўзи ҳам махфийлик талабларига қатъий риоя этишини таъкидлаб, тарафларнинг ишончини қозонишга ҳаракат қилади.

Медиатор ўзининг кириш нутқида, шунингдек, дўстона, камтарона, вазмин овоз ҳамда майин оҳангда (тонда) медиация иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тушунтиради, ўзининг ваколатини айтиб ҳамда тарафларнинг ваколатлилигини аниқлайди; тарафлар медиация муддатида вақт нуқтаи назаридан чекланмаганлиги, бошқа тадбир (ташвиш)лар билан банд эмаслиги ҳам аниқланиши муҳим; курси атрофида ўтирганларнинг аввал ҳам медиация жараёнларида иштирок этганлик тажрибаси бор ёки йўқлигини аниқлаш лозим.

Медиатор тарафларга медиациянинг судлов ёки арбитраж жараёнларидан фарқини таъкидлаб ўтиши лозим. Медиацияда тарафлар оқилонга ва ўзаро манфаатли қарорга эришиш учун биргаликда, ҳамкорликда ишлашлари муҳимлигини тушунтиради. Тарафларга тушунтирилган ва улар маъқул топган талаблар ёзма расмийлаштирилиши лозим бўлади. Тарафларга яна шуни ҳам уқтириш зарурки, медиация жараёнида икки томон учун адолатли бўлган қарорни консенсус асосида ишлаб чиқишга ҳаракат қилинади. Шунингдек, медиатор судья эмас, балки тарафлар учун ўзаро мақбул қарорга эришилишида холис кўмақдош эканлигини таъкидлаш лозим. Медиатор тарафларни тенг кўриб, дастлабки сўз бошлаш ҳуқуқини куръа ташлаш орқали аниқлаб олса, мақсадга мувофиқ бўлади, шундай қилганида иштирокчиларнинг унга ҳурмати ва ишончи ортади.

2. Биргаликдаги сессия босқичи. Ушбу босқични медиатор майин овозда тавозе ва эҳтиёткорлик билан бошлаб, тарафларнинг ишончини янада қозониш ва мустаҳкамлаш йўлидан боради. Бетараф мақомда турган ҳолда медиатор тарафларга очиқ саволлар билан мурожаат этиб, уларнинг истагини, нуқтаи назари (позицияси)ни ва эҳтиёжларини аниқлашга ҳаракат қилиши зарур. Икки тараф ўртасидаги низонинг туб сабабларини, муаммонинг мазмунини, асл илдизини билиб олишга интилиши лозим.



3. Тарафлар билан алоҳида учрашувлар босқичи. Медиацияда иштирок этаётган ҳар бир тараф билан алоҳида-алоҳида суҳбатлар ўтказилиши катта аҳамиятга эга. Чунки, низолашаётган тарафлар бир-бирларининг олдида айта олмайдиган, кўнглининг тубидаги гапларни (фикр-мулоҳазаларни) медиаторга шахсий суҳбатлар чоғида изҳор этишлари мумкин. Бунинг учун медиатор самимий ва камтарлик асосида ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳитини вужудга келтириши лозим. У суҳбатдоши (тараф)га эркин фикр билдиришга имкон берувчи очик саволлар билан муружаат этгани маъқул. Масалан, “Дўстим (ака, ука, опа, синглим) сиздан илтимос, низога сабаб бўлаётган муаммонинг асл мазмуни нимада? Шу ҳақда хотиржам бир бошдан батафсил сўзлаб беринг.....”; “Албатта барча айтиладиган гаплар ўртамизда қолади, хавотир олманг...”.

4. Биргаликдаги сессия кейинги босқичи (давому). Мазкур босқичда медиатор тарафлардан алоҳида суҳбатлар чоғида олинган маълумотларни жамлаб, тарафларни ҳамкорликка чорлаб, музокараларни давом эттиради. Бунда тарафларнинг нуқтаи назарларини уларнинг манфаатига айлан-тиришга ҳаракат қилади. Турган гапки, медиацияга киришган ҳар бир шахснинг ўз манфаатлари бўлади. Ана шу манфаатларни англаш учун муаммонинг ечимини топишга йўналтирилган “ақлий ҳужум”лар ташкил этилиши мумкин. Ечимнинг турли вариантларини муҳокамага ташлаш мумкин. Ҳар бир вариантни таҳлил қилиш, баҳолаш, унинг фойдали ва номаъқул жиҳатларини изоҳлаш ўринли бўлади. Бу босқичда тарафларнинг ўзаро гаплашиши, фикр алмашуви ва савол-жавоб қилишига ҳам имконият яратиш зарур.

5. Музокаралар босқичи. Музокараларни ташкил этиш, олиб бориш ҳамда бошқариш ҳар қандай медиация жараёнининг марказий ва ўта масъулиятли қисмидир. Музокаралар воситасида баҳслашаётган тарафлар ўзаро бевосита маслаҳатлашув асосида позицияларини баён этиш ҳамда медиатор ёрдамида уларни мувофиқлаштириш имконига эга бўладилар (ўз ёндашувларини солиштириш ва иложи борича уйғунлаштиришга интиладилар). Тарафлар ўз нуқтаи назарларини етказиш ва асослашга шахсий вакиллари, адвокатлари ёки маслаҳатгўйлари хизматидан фойдаланишлари ҳам мумкин.

Музокаралар чоғида медиациянинг ўта муҳим босқичи: ҳар икки тарафнинг ўз нуқтаи назарини, вазият бўйича қарашларини баён этиш, фикр билдириш (презентация)имкони берилади. Ҳар бир тарафга келишган ҳолда навбатма-навбат фикр билдириш учун сўз берилади. Медиатор уларни диққат билан фаол тинглайди, зарур бўлса, ўзи учун тегишли ёзувларни қайд этиб бориши мумкин.

Тарафлар ўз қараш (позиция)ларини баён қилаётган чоғда медиатор уларнинг сўзини бўлмаслиги, айтилаётган ҳодисаларга муносабат билдирмасли-

ги, уларга баҳо бермаслиги, хулосаловчи гапларни кўшмаслиги лозим.

Музокаралар чоғида тарафлар ўз талаб ҳамда таклифларини муҳокамага тақдим этишлари, бу борадаги ваз ва далилларини келтиришлари мумкин бўлади.

Медиатор эса ўртага ташланаётган ҳар бир таклифнинг фойдали ва салбий жиҳатларини тарафларга тушунтириб, муҳокамани давом эттириши мумкин ва лозим. Шунингдек, медиатор тарафларнинг позициясини уларнинг манфаатига айлан-тириб, ўзаро мақбул (фойдали) ечимга эришмагунча музокараларни давом эттиради. Агарда бу жараёнда ижобий келишувга эришиш имкони мавжуд бўлмаса, яъни вазият боши берк кўчага кириб қолса, бу ҳақда тегишли расмийлаштирув асосида эълон қилинади.

Медиатор музокаралар воситасида тарафларнинг ҳар бири учун муҳим бўлган – медиациядан кўзланган туб манфаатни аниқлашга ҳаракат қилади.

Тарафларнинг таклифларини аниқлаш, уларни муҳокама этиш ижобий самара беради. Уларнинг ҳамкорлиги асосида муаммога ечим излаш, бир-бирларига қандай ва қай даражада ён бера олишлари мумкинлигини ойдинлаштириш лозим. Уларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш керак.

6. Медиатив келишув – якуний босқич. Бу босқичда музокара, суҳбат ва муҳокамаларда маълум бўлган ҳамма нарса (барча деталларигача) таҳлил асосида умумлаштирилади, узвий занжир тарзида тизилади. Ўзаро мақбул медиатив келишув матни ҳамкорликда ишлаб чиқилади. Унинг ҳар бир банди тарафлар билан келишилади. Келишув бета-раф, холис, содда тилда баён этилади. Матннинг тили, баён усули тарафлар учун тушунарлилигига ишонч ҳосил қилиш лозим бўлади.

Якуний келишув матни иштирокчиларга ўқиб эшиттирилади. Медиатив келишув тарафлар томонидан имзоланади. Медиатор мақбул келишувга эришилганлиги билан тарафларни табриклаб, уларнинг қўлларини сиқиб қўяди. Улар ўртасида дўстлик сақланиб қолганлиги ва келгусида ўзаро ҳамкорлик давом этишидан хурсандлигини намоён этади.

Хулоса қилиб айтганда, медиация бизнинг бу-гунги ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётимизга кириб келаётган янги институт бўлиб, баҳсли ҳолатлар, низоли вазиятларни маърифатли ҳал этишнинг муҳим воситаларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Т. 2010, 300 бет.
2. Қаранг: “Huquq va burch”, 2019, №2, 50-бет.
3. Жўраева Х. Медиация – муроаса мадора // “Huquq va burch”, 2019, №2, 50 – бет.
4. АҚШ да Калифорниянинг исботлаш Кодексининг 1115 – 1125 ва 703.5 §§ ларида конфиденциаллик ва уни химоялаш чоралари белгиланган.



Олим ФАЙЗИЕВ,
ТДЮУ мустақил
изланувчиси,
юримдик фанлар
бўйича фалсафа
доктори

АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШДА ОММАВИЙ ҚАБУЛЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Халқ билан фаол ва очиқ мулоқот олиб бориш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш борасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев асос солган янги тизим инсонларнинг дарду-ташвишларини тинглаш, орзу-армонларини ушалтириш, муаммоларини ҳал қилишдек мақсадларга қаратилгани тарихий ҳодисадир.

Шу боис ҳам Давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир нутқида мунтазам равишда “энг катта мақсад-муддаомиз — одамларни рози қилиш”¹ эканлигини таъкидлаб келмоқда.

Бу фикрларнинг мантикий асоси – халқ билан мулоқот тизими боис миллий қонунчилигимиз “сайёр қабул”, “оммавий қабул” каби янги истилоҳ ва тушунчалар билан бойиди. Қолаверса, бу тушунчалар реал ҳаётимизга кириб келганига кўп вақт бўлмаган бўлса-да, аллақачон халқ билан юзма-юз мулоқот қилишнинг, демократия, очиқлик ва ошкоралик принципларини амалга оширишнинг ўзига хос самарали механизмига айланаб улгурди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг қарийб 30 йиллик қисқа тарихи давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонун тўрт маротаба – 1994², 2002³, 2014⁴, 2017⁵ йилларда қабул қилинди. Мазкур қонунлар мавжуд имкониятлар, аҳоли мурожаатлари билан ишлашга бўлган ёндашувдан келиб чиқиб такомиллаштириб борилди.

Қайд этиш жоизки, 1994 ва 2002 йилларда қабул қилинган қонунларда мурожаат қилиш учун фуқаролар муайян давлат органи, ташкилот ёки мансабдор шахс қабулига бевосита бориши, яъни уларни қабул қилиш фақат давлат органлари биноларида ташкил этилиши (чунки қонунларда фақат шахсий қабуллар ўтказишга доир қоидалар белгиланган) кўзда тутилган бўлса, 2014 йилда қабул қилинган қонунда йўналиш бирмунча ўзгариб, давлат органлари раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахсларга оммавий қабулнинг айрим элементларини ўзидан ифода этган “сайёр шахсий қабул”лар ташкил этишга оид нормалар белгиланди.

2017 йил 11 сентябрдаги қонун⁶ қабул қилиниб, миллий қонунчиликда “оммавий қабул” тушунчаси борасида ягона тўхтамга келингунга қадар ушбу тушунча кундалик истеъмомда “сайёр қабул” шаклида кенг қўллаб келинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида намунавий низом”⁷ да юқорида кўрсатилган қонунда қўлланилмаган “сайёр қабул” тушунчасидан фойдаланилган.

Бироқ, мазкур атама бугун истеъмомдаги оммавий қабулни назарда тутмайди. Бизнингча, қарор лойиҳасини ишлаб чиқувчи, уни қабул қилувчи органлар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунда қўлланилган “сайёр шахсий қабул” атамасини ҳужжатда “сайёр қабул” шаклида қўллаган, яъни юқоридаги низомнинг 3-бандига асосан, сайёр қабул – давлат органлари ва давлат ташкилотлари раҳбарларининг тасдиқланган жадвал асосида жойларга чиққан ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиши билан боғлиқ ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуидир.

Ўтган қисқа вақт кўрсатдики, аҳоли мурожаатларини оммавий қабулларда тинглаш амалиёти дунёда кам учрайдиган ва миллий давлатчилик тарихимиздаги бой тажриба ва анъаналар, миллий кадриятларимиздаги ўзига хосликлар билан йўғрилган халқ билан очиқ мулоқот шакли (платформаси, майдони) бўлиб, муаммоларни атрофлича, ҳар томонлама, манфаатдор томонлар иштирокида, қўшимча маълумотларни аниқлаштириш имкони яратилган шароитда, масала бўйича инкор этувчи ёки тасдиқловчи важларни тақдим этиш ва муҳокама қилиш мумкин бўлган вазиятда, барчанинг кўз ўнгида, холис кўриб чиқиш имкониятини берувчи ноёб сиёсий институт ҳисобланади.

2017 йилда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”-ги Қонун мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйи-

ча янги босқични ва бу борадаги тизимли ёндашувни таъминлашга қаратилган ижобий амалиётни бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”⁸ деган халқчил ва ҳаётбахш ғояси асосида мазкур қонуннинг 3, 9, 23, 27, 33-моддаларида, илгари қабул қилинган ҳужжатлардан фарқли ўлароқ, муайян давлат органи, ташкилот ёки мансабдор шахснинг бевосита фуқаролар олдида бориши, хусусан оммавий қабуллар ўтказиш орқали, жойига чиққан ҳолда одамларни тинглаши, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш бўйича тезкор чоралар кўриши зарурлигига оид қоидалар белгиланди. Айтиш жоизки, ушбу нормалар 2017 йил январдан сентябргача бўлган вақт оралиғида кенг апробациядан ўтказилган амалиётнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Шундан сўнг қонуннинг оммавий қабуллар ташкил қилишга доир тегишли нормалари асосида баъзи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, ҳуқуқий база ва асослар доираси кенгайтирилди.

Оммавий қабулларни ташкил қилиш тизимини ҳам назарий-ҳуқуқий, ҳам ташкилий-амалий жиҳатдан такомиллаштириш масалалари кун тартибидан турганини таъкидлаб ўтиш ўринли бўлади.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, мурожаатларни тинглаш ва кўриб чиқишнинг самарали усулларида бири бўлган оммавий қабулларнинг мурожаатларни қабул қилишнинг бошқа шакл, усул ва манбаларидан фарқ қилувчи қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

- мурожаатни қабул қилиш ва муаллиф билан бевосита мулоқот қилиш учун мансабдор шахсларнинг ўзлари “халқ ичига” кириб боради, яъни мурожаатлар билан ишлашда одатдагидан кўп моддий ресурслар (масалан, хизмат сафари, танланган муайян жойни тадбир ўтказиш учун тайёрлаш харажатлари) сарфлайди;

- оммавий қабулларда ҳар доим ҳам мурожаат қилиш имкони мавжуд эмас, яъни фақатгина муайян белгиланган кун ва соатларда, тасдиқланган жадвалга мувофиқ (баъзан навбатдан ташқари) давлат органи раҳбари ёки у ваколат берган мансабдор шахслар томонидан ўтказилади;

- мурожаатларда кўтарилган масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишга ваколатли бўлган бошқа давлат органлари вакиллари вакиллари ҳам иштироки таъминланади, яъни мурожаат бир вақтнинг ўзида бир



неча ваколатли мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқилиши мумкин;

